

**НАМУНАИ**  
**саволу масъалаҳои тест**  
**аз фанни забон ва адабиёти ўзбек**  
**(имтиҳони қисми А)**  
**ИМД 2025**

Дар сомонаи [www.ntc.tj](http://www.ntc.tj)

ЎЗБЕК ТИЛИ

ТИЛШУНОСЛИК. ФОНЕТИКА ВА ОРФОГРАФИЯ

1 Тил қандай ҳодиса?

- A) руҳий
- B) сиёсий
- C) ижтимоий
- D) сиёсий-руҳий

2 Адабий тилнинг қандай шакллари бор?

- A) халқ шевалари ва адабий тил
- B) оғзаки адабий тил ва ёзма адабий тил
- C) сўзлашув ва китобий
- D) сўзлашув, бадиий, илмий, расмий

3 Беш товушдан ташкил топган сўзлар қайси жавобда берилган?

- A) юлдуз, ёстик, юлғич, йўлдош
- B) ялқов, яйлов, ёмғир, ёққан
- C) зиёфат, биёбон, енгил, юзаки
- D) рангли, Юнус, Юсуф, масъул

4 Икки товушни ифодаловчи ҳарфлар иштирок этган сўзлар қайси жавобда берилган?

- A) масъул, палто, қитъа
- B) сингил, рангли, денгиз
- C) якшанба, сиёсат, муюлиш
- D) таажжуб, таассурот, мудофаа

5 Қайси қаторда сонор (бурун) товушлари келтирилган?

- A) а, о, и, у, ў, э
- B) л, м, н, р, нг
- C) нг, дж
- D) е, ё, ю, я

**6** Қайси қатордаги ундош товушлар фақат шовқиндан иборат?

- A) б, в, г, ғ, д, з
- B) п, ф, с, т, ч, қ
- C) ж (дж), нг
- D) б, п, в, ф, г, к

**7** л, м, н, р, нг товушларининг номи қайси қаторда тўғри берилган?

- A) ёлашган унлилар
- B) сонор (бурун) товушлар
- C) жарангсиз ундошлар
- D) унли товушлар

**8** Қайси қаторда фақат ёпиқ бўғинли сўзлар келтирилган?

- A) Тўлқин, Малика, Шоира
- B) куч, ғайрат, шовқин
- C) ватан, конун, тартиб
- D) мушоҳада, мағлубият, мусодара

**9** Нутқ товушлари ҳосил бўлишида қайси нутқ аъзолари фаол иштирок этади?

- A) товуш пайчалари, лаблар, тил
- B) тишлар, бурун, ўпка
- C) оғиз, тиш, лаб
- D) кекирдак, бурун, тил

**10** Қайси гапда эга билан кесим орасида тире нотўғри қўйилган?

- A) Алишер Навоий — буюк мутафаккир.
- B) Яхши қайфият ҳам— меҳнатга ҳамдам.
- C) Карима — аълочи.
- D) Ширин тил — жон озиғи.

**11** Қайси гапда эга билан кесим орасида тире қўйилади?

- A) Отам ўқитувчи.
- B) Саломатлик туман бойлик ҳисобланади.
- C) Мактаб иши умумхалқ ишидир.
- D) Ёзувчининг ҳаёт ва фаолиятига бағишлаб кеча ўтказилди.

**12** Қайси қатордаги сўзларда ёпик бўғинлар фақат жарангсиз ундош товуш билан тугаган?

- A) йўк, қаттиқ, афсус
- B) музтоғ, шоирона, ишчи
- C) дала, томошахона, намуна
- D) ширинтомоқ, қавиқ, қавармоқ

**13** Қайси қатордаги сўзлар фақат очик бўғиндан иборат?

- A) қабила, Соҳиба, сўзидаги
- B) қалбимдан, билдирмоқ, турмуш
- C) тинчлик, бошқармоқ, мускул
- D) деҳқонлар, шовқин, манзил

**14** Қайси қатордаги сўз таркибида очик бўғин мавжуд?

- A) отлантирмоқ
- B) ишлатмоқ
- C) бириктирмоқ
- D) санъаткорлик

**15** Қайси қатордаги сўзларда имло хатолари учрайди?

- A) ёр, қор, ютуқ, парвоз
- B) тўқ, тўлқин, анҳор, дарё
- C) солиғ, балиғ, ёпиғ, кўзичоғ
- D) тарвуз, патир, муюлиш, анор

**16** Қайси қатор сўзларида имло хатоси учрамайди?

- A) муваффақият, мутолаа
- B) мутахасислик, мутакабир
- C) мутафақир, мутаҳам
- D) муфасал, мухамас

**17** Сўз охиридаги ундош товуши талаффуз этилмай қолиши рўй берадиган сўзлар қаторини аниқланг?

- A) мард, март, торт, шарт
- B) дўст, гўшт, тўрт, мушт
- C) китоб, офтоб, мактаб, савоб
- D) қирқ, машқ, рашк, палак

18 Кўп нуқтанинг гапда қўлланиш ўрни тўлиқ кўрсатилган қаторни аниқланг.

- A) фақат гап бошида, фикрни қисқартириш учун
- B) гап ўртасида, қўшма гапларни боғлаш учун
- C) фақат гап охирида, гап тугаллангани учун
- D) гап бошида, ўртасида ва охирида

19 Қайси қатордаги сўзларда имловий хато учрамайди?

- A) китоп, мактап
- B) зоология, геометрия
- C) шохбекат, мурабо
- D) қолип, савоб

20 Қайси луғат турида сўзларни *тўғри ёзилиши* ўргатилади?

- A) изоҳли луғатда
- B) имло луғатида
- C) орфоэпик луғатда
- D) синонимик луғатда

21 Қайси қатордаги сўзлар таркибида ёпик бўғинлар учрайди?

- A) вафоли, далага,
- B) сабо, томошахона
- C) қабулхона, кутубхона
- D) шуурона, шоирона

22 Қайси қатордаги гапда тиниш белгилар тўлиқ қўйилмаган?

- A) Улар Боботоғ этакларида дам олишди.
- B) Юрак бақувват бўлса меҳнат унумли бўлади.
- C) Баҳорнинг хузурбахш шабадаси эсмоқда.
- D) Ёшлигида ўқишнинг изидан қолмади.

23 *Богни боқсанг бог бўлар, боқмай қўйсанг не бўлар ( )* Жавоблардан бу гапнинг охирида қайси тиниш белгиси қўйилишини аниқланг.

- A) кўп нуқта
- B) ундов белгиси
- C) сўроқ белгиси
- D) нуқта

**24** Қайси қатордаги сўзларда қўшимчалар қўшилиши билан товуш ўзгариши юз берган?

- A) қалбимдан, билдирмоқ, турмушим
- B) деҳқонлар, шолидан, манзилга
- C) санамоқ, англамоқ, синглинг
- D) тинчлик, бошлиқ, мускулни

**25** Қайси қаторда фақат ёпиқ бўғинли сўзлар келтирилган?

- A) зийнат, шуҳрат, довруқ
- B) қалб, шоҳона, қиблагоҳ
- C) типратикан, кесатик, елвизак
- D) қадамжой, табиат, шовқин

**26** Қайси қаторда фақат ёпиқ бўғинли сўзлар келтирилган?

- A) боғлама, сўзана, шабада
- B) бобо, Карима, шоли
- C) сарвар, борлиқ, шовқин
- D) Садриддин, Малика, Шоира

**27** Нутқ товушлари ҳосил бўлишида қайси нутқ аъзолари фаол иштирок этади?

- A) лаблар, оғиз бўшлиғи, тиш
- B) ўпка, тишлар, бурун
- C) лаблар, тил, товуш пайчалари
- D) тил, кекирдак, бурун

**28** Қайси қатордаги гапнинг тиниш белгиси хато қўйилган?

- A) Одамнинг юзи офтобдан иссиқдир. (Мақол)
- B) Яшна, жонажон Тожикистон!
- C) Авлиёхон Эшоннинг янги шеърини китоби чоп этилди.
- D) Ватанамизни ҳимоя қилишни қачон ўрганамиз.

**29** Қайси қатордаги сўзлар имло қоидалари асосида ёзилмаган?

- A) шароит, истак, тўқлик
- B) сабоқ, илмий, оммавий
- C) кеткан, тортти, айтти
- D) уйингиз, қалбим, ишонч

**30** Имловий хатоси бўлган сўзлар қаторини белгиланг.

- A) ишда, кийимда, тилда
- B) қалбни, вужудни, китобни
- C) кўкка, теракка, юракка
- D) бурин, бурит, буйрик

**31** Сўзнинг ёзилишида имловий хато бўлган қаторни топинг.

- A) заркокил
- B) ҳалойиқ
- C) уйқучи
- D) алламаҳал

### ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА ФРАЗЕОЛОГИЯ

**32** *Олтин* сўзи қайси гапда кўчма маънода қўлланган?

- A) Кузда боғлар олтин япроқларга тўлади.
- B) Акбарали олтин узукни ҳеч кимга билдирмай ерга кўмиб ташлади.
- C) Жаҳон бўйлаб йилдан-йилга олтин баҳоси ошиб бормоқда.
- D) Олтиндан ясалган тишларини кўз-кўз қилгандай секин гапирарди.

**33** *Осмон* сўзи қайси тилдан ўзбек тилига ўзлашган?

- A) рус
- B) туркман
- C) тожик
- D) қирғиз

**34** Қайси гапда шевага хос сўз келтирилган?

- A) Гунчалар баҳорда юз очади.
- B) Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. (Мақол)
- C) – Ўқидингми, шунақа қилиб ҳаммасини эплейсами?
- D) Озода ҳар доим вазифаларни пухта бажаради.

**35** Синоним сўзлар берилган қаторни белгиланг.

- A) қарилик, ёшлик; дўстлик, душманлик
- B) қармоқ, боқмоқ, назар солмоқ
- C) ўт (феъл), ўт (от), ўт (от-ўсимлик)
- D) аср-асир, милк-мулк, ёд-ёт

---

**36** **Аччиқ сўзи қайси гапда кўчма маънода қўлланган?**

- A) Гармдорининг жуда аччиқ нави экан.
- B) Ташқари аччиқ совуқ.
- C) Олти ойгача аччиқ таом емаслик керак экан.
- D) Аччиқ шўрва ича олмайман.

---

**37** **Антоним сўзлар берилган қаторни топинг?**

- A) мард - март, куй - кўй
- B) қаттиқ - юмшоқ; тор - кенг
- C) мўл, талай; кўрмак, чиройли
- D) кир (от), кир (феъл); кўк(от), кўк (сифат)

---

**38** **Бир-бирига антоним бўлган жуфт сўзлар қаторини топинг.**

- A) бахт-саодат, орзу-ҳавас
- B) уй-жой, ҳол-аҳвол
- C) дори-дармон, хийла-найранг
- D) ёш-қари, яхши-ёмон

---

**39** **Қайси қатордаги гапда шевага хос сўз келтирилган?**

- A) Ҳозир деҳқончилиям осон йўқ.
- B) Китоб йўлимизни ёритувчи чирокқа ўхшайди.
- C) Куз – ҳосилни йиғиштириб олиш фасли.
- D) Поёнсиз далалар оппоқ либос кийди.

---

**40** **Қайси қатордаги гапда шевага хос сўз ишлатилган?**

- A) Биз бутун дунёда тинчлик ва дўстлик бўлишига тарафдормиз.
- B) - Жаҳонгир, бир сатил сув келтир!
- C) Билим ва ҳунар эгизак.
- D) Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош оғриғи.

---

**41** **Унинг боши осмонга етди. Бу гапда боши осмонга етди қандай бирлик?**

- A) қўшма сўз
- B) ибора (фразеологизм)
- C) ясама сўз
- D) сўз бирикмаси



42 “Ёз томса ялагудай” иборасининг маъноси қайси қатордаги сўзга синоним бўла олади.

- A) ширин
- B) озода
- C) нордон
- D) муносиб

43 Қуйидаги гапда *бош* сўзининг берилган қайси маъноси ифодаланган?  
*Тознинг кўрки тош билан, одам кўрки бош билан.*

- A) бошлиқ
- B) ақл
- C) биринчи
- D) раҳбар

44 Жавоблардаги сўзлардан қайси бири *тез* сўзига синоним бўла олади.

- A) бўш
- B) жадал
- C) ширин
- D) оғир

45 Қайси қаторда пароним сўзлар берилган?

- A) кўйнак-кўйлак
- B) оталик-оталиқ
- C) кабутар-каптар
- D) шабада-шаббода

46 *Мадҳия* сўзининг маъноси берилган қаторни топинг?

- A) шеърий вазн қонуниятлари ва таҳлили берилган китоб
- B) мақтов кўшиғи, тантанали шеърий-мусиқий асар
- C) аруз вазнида ёзилган ҳазл, мутойиба мазмунидаги шеърлар
- D) диний мазмундаги шеърлар тўплами

47 Адабиётшуносликка оид атама ишлатилган қаторни топинг.

- A) Дўстлик ва тинчлик куши кундан-кунга баландроқ қанот ёзмокда.
- B) У шеър меъёрлари ҳақида маълумот берди.
- C) Билим барча мушуқуларни даф этувчи япроқдир.
- D) Шаҳримиз марказида улуғ бобомиз Исмоил Сомоний ҳайкали ўрнатилган.

**48** **Бир сўзнинг матн мазмунидан келиб чиқиб, бир неча маъно ифодалашни қандай номланади?**

- A) кўп маъноли сўз
- B) антоним
- C) ибора
- D) синоним

**49** **Қайси қатордаги жуфт отлар синоним сўзлардан ҳосил бўлмаган?**

- A) раҳм-шафқат
- B) ор-номус
- C) қоғоз-қалам
- D) куч-қувват

**50** **Қайси жавобда қулиш маъносидаги сўзлар келтирилган?**

- A) мингилламоқ, пишқирмоқ
- B) ишшаймоқ, тиржаймоқ
- C) шивирламоқ, пичирламоқ
- D) жовдирамоқ, ҳайқишмоқ

**51** **Қитъа сўзи қандай маъно англатади?**

- A) мактуб, хат
- B) қалам, ранг
- C) парча, бўлак
- D) китоб, асар

**52** **Қайси гапда расмий-идоравий услубга хос сўз келтирилган?**

- A) Тожикистонда ўрикнинг турли навлари бор.
- B) Талабаликка қабул бўлганлигим тўғрисида фармон чиқди.
- C) Илмли бўлиш, кўп меҳнат ва заҳматни талаб қилади.
- D) Чўл ва биёбонлар кўркам боғларга айлантирилди.

**53** **Сўзнинг луғавий маъноси тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?**

- A) грамматика
- B) фонетика
- C) морфология
- D) лексикология

54 **Омоним сўзлар келтирилган қаторни топинг.**

- A) от (исм)-от (отмоқ), ўт (олов)-ўт (ўтмоқ)
- B) оқ-қора, кеча-кундуз
- C) шер-шеър, ариқ-ориқ
- D) таом, овқат

55 **Ўлкасини қўлтиқламоқ иборасининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган?**

- A) ранжимок
- B) тушкунликка тушмоқ
- C) кўркмоқ
- D) ҳовлиқмоқ

56 **Дарёнинг суви тез оқарди. Берилган сўзлардан қайси бири гаптаги тез сўзига синоним бўла олади.**

- A) бўш
- B) жадал
- C) ширин
- D) оғир

57 **Тена сочи тикка бўлмоқ иборасининг маъносини аниқланг.**

- A) жуда шўх
- B) тинчиди
- C) аччиқланди
- D) хурсанд бўлди

58 **Қайси қаторда фақат расмий услубга хос сўзлар келтирилган?**

- A) руҳшунослик, сиёсат
- B) нуқта, икки нуқта
- C) мактаб, мактуб
- D) мажлис баёни, даъватнома

59 **Андалиб бир савт ила бўлди гирифтори қафас. Ҳамза. Гапта ажратиб кўрсатилган сўзнинг маънодошини топинг.**

- A) кумри
- B) тўти
- C) булбул
- D) саъва

**60** *Баҳор* сўзининг асл туркий шакли берилган қаторни топинг.

- A) ёз
- B) кўклам
- C) яшил
- D) кўм-кўк

**61** Қайси қатордаги гапда ибора (фразеологизм) қўлланилган?

- A) Осмон тўла юлдуз.
- B) Меҳмонлар шаҳримизни роса томоша қилиб, оғизлари очилиб қолди.
- C) Деразадан чироқлар кўриняпти.
- D) Машғулотлар ҳам бошланиб кетдими, ўртоқ Солиҳов?

**62** *Муфассал* сўзининг луғавий маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

- A) узлуксиз, тўхтовсиз
- B) тўлиқ, батафсил
- C) мутлақ, аниқ
- D) диққат билан ўқиш, тушуниш

**63** Қандай луғат турида сўзларнинг шаклий ўхшашликлари изоҳланади?

- A) антоним сўзлар луғатида
- B) синоним сўзлар луғатида
- C) омоним сўзлар луғатида
- D) имло луғатида

**64** Бир сўзнинг матн мазмунидан келиб чиқиб, бир неча маъно ифодалаши қандай номланади?

- A) кўп маъноли сўз
- B) бир маъноли сўз
- C) ўзлашма сўз
- D) шевага хос сўз

**65** Қайси қаторда иборалар (фразеологизм) келтирилган?

- A) озиқ-овқат маҳсулоти, полиз экини
- B) кўзи тушди, бағри тош
- C) ҳарбий хизмат, илмий ходим
- D) мажлис баёни, уқтириш хати

**66** Қайси қатордаги жуфт отлар синоним сўзлардан ҳосил бўлмаган?

- A) бахт-саодат
- B) раҳм-шафқат
- C) дала-тош
- D) озиқ-овқат

**67** Қайси қатордаги маълумот изоҳли луғат ҳақида?

- A) сўзларнинг тўғри ёзилишини
- B) бир тилдаги сўз иккинчи тилда қандай сўзга тенг келишини
- C) сўзларнинг тўғри талаффуз этилишини
- D) тилимиздаги сўзларнинг маъноларини изоҳловчи

**68** Қайси луғат турида сўзларнинг тўғри талаффуз меъёрлари кўрсатилади?

- A) пароним сўзлар луғатида
- B) антоним сўзлар луғатида
- C) орфоэпик луғатда
- D) изоҳли луғатда

**69** Ўтов сўзи қандай маънони англатади?

- A) кичик уй
- B) кигиз уй
- C) бошқарма
- D) катта уй

**70** Қайси қаторда иборалар (фразеологизм) келтирилган?

- A) тиниқ сув, қизил гул
- B) кичик идиш, ширин анор
- C) қўли очик, оғзи бўш
- D) катта уй , қалин тахта

**71** Қайси жавобда ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари келтирилган?

- A) шевалардан ёки бошқа тиллардан сўз олиш, сўз яшаш орқали
- B) сўз туркумлари ва уларнинг морфологик белгиларини аниқлаш
- C) гап қурилиши ва бошқа тиллар билан алоқасини ўрганиш
- D) орфоэпик луғатлар тузиш ва уларни нашр этиш

72 *Эшик зарб билан ёпилди, деразининг ... шарақ этиб синди, тўрдаги ... жим ўтирарди. Қайси қатордаги сўзлар нуқталар ўрнига мос келишини аниқланг.*

- A) қулоғи, оломон
- B) боши, сувчи
- C) бурни, қаровул
- D) кўзи, киши

73 *Паронимлар сўзлар берилган қаторни топинг.*

- A) қўй (нарсани), қуй (суюқликни)
- B) битик, китоб
- C) эртанги, кечки
- D) олма (мева), олма (ҳаракат)

74 *Чандиқ сўзининг луғавий маъноси қайси қаторда келтирилган?*

- A) кўсакнинг ҳар бир бўлаклари
- B) битган яранинг ўрни, изи
- C) қор ёки муз устида силжиш учун мослама
- D) гўштининг қаттиқ пай қисми

**ГРАММАТИКА. МОРФОЛОГИЯ. СИНТАКСИС. УСЛУБШУНОСЛИК**

75 *Келтирилган мисраларда олмошнинг қайси тури қўлланилган?*

*Отамнинг шараф ишин, онамнинг ҳар юмушин,  
Синглимнинг садаф тишин кўриқчиси ўзимдир.*

- A) сўроқ олмоши
- B) бўлишсизлик олмоши
- C) кишилиқ олмоши
- D) ўзлик олмоши

76 *Қайси қаторда фақат равишга хос сўзлар келтирилган?*

- A) битта, юзлаб, ўн, йигирма беш
- B) секин, оҳиста, бирдан, яёв
- C) титраб, ёзиб, ўқиган, келгач
- D) олтин, зангори, қимматли, соф

- 77) **Фақат ўрин-жой маъносини билдирувчи сўзлар қаторини аниқланг.**
- А) гузар, тошлоқ, маҳалла
  - В) тугун, халқимиз, дўстлар
  - С) шаҳар, бостирма, безак
  - Д) қишлоқ, тўплам, кўча
- 78) **Қайси сўроқ олмоши келишиқ кўшимчаларини қабул қилмайди?**
- А) нима
  - В) қанча
  - С) қачон
  - Д) нега
- 79) **“Дарёнинг суви тиниқ, осмон безубор”. Бу гапда қўлланилган сифатлар қандай вазифада келган?**
- А) аниқловчи
  - В) эга
  - С) кесим
  - Д) ҳол
- 80) **Қайси қаторда кўмакчилар келтирилган?**
- А) -чи, фақат, ҳатто
  - В) лекин, бироқ, негаки
  - С) ё...ё, баъзан...баъзан, бир...бир
  - Д) билан, сайин, каби
- 81) **Сўроқ олмоши қайси жавобда тўғри берилган?**
- А) бари, жами, ҳамма
  - В) ўзи, ўзим, ўз
  - С) биз, сиз, улар
  - Д) ким, нима, нега
- 82) **Гапларнинг қурилиш хусусиятлари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?**
- А) синтаксисда
  - В) морфологияда
  - С) фонетикада
  - Д) лексикологияда

83 Берилган гапдан равишни топиб, турини аниқланг. *Эртага ҳамма чопиққа боради.*

- A) мақсад
- B) ўрин
- C) пайт
- D) даража-миқдор

84 Келишик қўшимчалари берилган қаторни аниқланг.

- A) -нинг, -им, -га, -имиз, -дан
- B) -ча, -га, -дан, -иш, -моқ
- C) -са, -ки, -иб, -б, -ми
- D) -нинг, -ни, -га, -да, -дан

85 Қайси қаторда юкламалар келтирилган?

- A) - ми, фақат, на...на
- B) учун, сайин, каби
- C) чунки, лекин, бироқ
- D) ё...ё, бир...бир, гоҳ...гоҳ

86 Ҳеч ким кўп сўзлаб, доно бўлган эмас. Гапидаги ҳеч ким сўзи олмошнинг қайси тури?

- A) гумон
- B) бўлишсизлик
- C) кишилик
- D) ўзлик

87 БМТ *Ўрта Осиё халқларига инсонпарварлик ёрдамни кўрсатиб келмоқда.* Қисқартма отни аниқланг.

- A) Ўрта Осиё
- B) ёрдам
- C) инсонпарварлик
- D) БМТ

88 Отлашган сифат иштирок этган гапни аниқланг.

- A) Яхшининг сўзи — қаймоқ, ёмоннинг сўзи — тўқмоқ.
- B) Дўконхонада Шокир отадан бошқа ҳеч ким йўқ эди.
- C) Ҳар ким экканин ўрар.
- D) Тожикистоннинг жўшқин баҳори қалбларга қувонч бағишлайди.



**89** Қайси жавобда фақат сифат сўз туркумига оид сўзлар келтирилган?

- A) ёнғин, тошқин, туздон, кулдон
- B) билимдон, учқун, тўлқин, қаламдон
- C) сўлғин, турғун, сувдон, қайтим
- D) ёрқин, озғин, гапдон, қадрдон

**90** Феълдан ясалган отлар акс этган жавобни аниқланг.

- A) мақтанчоқ, сезгир, топқир
- B) курак, тортма, тароқ
- C) илиқ, синиқ, йиғлоқи
- D) ишчан, тарбиявий, тузсиз

**91** Олмошнинг қайси турида *алла*– олд кўшимчаси қўлланилади?

- A) гумон
- B) ўзлик
- C) кўрсатиш
- D) кишилиқ

**92** Зидловчи боғловчи иштирок этган гапни топинг.

- A) Гоҳ қаттиқ бўрон бўлади, гоҳ кучли ёмғир ёғади.
- B) Тоғлардаги қор ва муз аста-секин эрий бошлади.
- C) Ой ёритади, бироқ иситмайди.
- D) Султонали мирзо бу гаплардан Анварни хабардор қилиш ва қилмаслик тўғрисида кўп ўйлади.

**93** Ясама равиш иштирок этган гапни топинг.

- A) Йўлчи бошини қуйи солиб жим ўтирди.
- B) Кўпни кўрган, кўп билар. (Мақол)
- C) Азамат деҳқонлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.
- D) Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла. (Мақол)

**94** *Валишер сўзининг устидан чиқди.* Гапнинг кесими қайси бирлик орқали ифодаланган?

- A) ибора (фразеологизм)
- B) феъл
- C) от
- D) олмош

95 **Пойтахтимиз - гўзал Душанбе шаҳри. Гапдаги гўзал Душанбе сўз бирикма-сининг эргаш сўзи қайси сўз туркуми орқали ифодаланган?**

- A) от
- B) Олмош
- C) сифат
- D) кўмакчи

96 **Қайси гапда *изоҳловчи* қўлланилган?**

- A) Ўқувчилар вазифани тўлиқ бажардилар.
- B) Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган.
- C) Ўқитувчилар врач Каримов билан суҳбат ўтказишди.
- D) Тожикистоннинг жўшқин, шўх баҳори чўлга гул ва кўкат сепини ёйган.

97 **Кириш сўз иштирок этган гапни аниқланг.**

- A) Бугун менга бир қарашиб юбормайсанми?
- B) У ўз ғурури, обрўсига бировнинг оз-моз тил тегизишини кўтармас эди.
- C) Мевазор боғларда саратон жазирамаси ҳукмрон.
- D) Шубҳасиз, кўприк шу ерда бўлиши керак.

98 **Шахси умумлашган гапни аниқланг.**

- A) Катта танаффусда залга тўпландик.
- B) Нима эксанг, шуни ўрасан.
- C) Эрталабки салқинда етиб бориш керак.
- D) Қиш. Ҳамма ёқ оппоқ қор.

99 **Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида мослашувли боғланиш мавжуд?**

- A) вазифани бажарди
- B) катта танаффус
- C) бодом гули
- D) кўприк орқали ўтдик

100 **Эргашган қўшма гапни аниқланг.**

- A) Кўкда, дарахтлар устида, ғуж-ғуж юлдузлар ёнади.
- B) Биз шуни биламизки, табиатда ҳали очилмаган сирлар жуда кўп.
- C) Қиш ўтиб кетган, лекин совуқ ҳали давом этмоқда.
- D) Нариги уйдан дам пианино овози эшитилар, дам қизларнинг кулгиси жаранглар эди.

---

**101** **Бир бош бўлакли гап қайси қаторда берилган?**

- A) Ҳалол меҳнат кишини улуғлайди.
- B) Китобни ўқиб чиқдим.
- C) Пахтакорлар далада ишламоқда.
- D) Ватанимиз Тожикистон.

---

**102** **Берилган гапда эга қайси бирлик орқали ифодаланган?**

*Ҳафсаласи пир бўлгани кўзидан билиниб турарди.*

- A) от
- B) олмош
- C) ҳаракат номи
- D) ибора (фразеологизм)

---

**103** **Эргаш ва бош сўзларнинг ўзаро грамматик воситаларсиз, фақат маъно жиҳатдан бирикиши қандай бирикма дейилади?**

- A) равишли
- B) бошқарувли
- C) битишувли
- D) феълли

---

**104** ***Дўстим Муҳаммад Ориф кеча менга мактуб жўнатибди.* Гапдаги кеча сўзи ҳол гап бўлагининг қайси турига қарашли?**

- A) мақсад ҳоли
- B) пайт ҳоли
- C) миқдор ҳоли
- D) вазият ҳоли

---

**105** ***Шанба куни ҳамма ҳашарга чиқсин!* Гапнинг турини аниқланг?**

- A) дарак гап
- B) сўроқ гап
- C) буйруқ гап
- D) тўлиқсиз гап

---

**106** **Берилган жавоблардан қўшма гапни аниқланг.**

- A) Маъмурнинг кўзлари яшнаб кетди.
- B) Бутун жониворлар, курт-қумурсқалар энди уйғонмоқда.
- C) Биз ям-яшил адирларга чиқдик, чарчаганимизни ҳис қилмадик.
- D) Дафтарнинг оппоқ, тоза варақларига қараб қолди.

**107** Қайси қаторда отли бирикма берилган?

- A) китобнинг варағи
- B) сафарга отланмоқ
- C) шеърни ўқимок
- D) иншо ёзмоқ

**108** Яхши кўнинг кучи шундаки, кўнгил торларини тилга киритади.

Бу гап турини берилган жавоблардан топинг.

- A) боғланган қўшма гап
- B) содда гап
- C) боғловчисиз қўшма гап
- D) эргаш гапли қўшма гап

**109** Куйидаги гапда *нича* сўзи қайси гап бўлаги вазифасида келган?

*Шокиржон нича ўйланиб турди.*

- A) ҳол
- B) тўлдирувчи
- C) аниқловчи
- D) кесим

**110** Қайси қаторда икки бош бўлакли гап келтирилган?

- A) Ғалабага меҳнатсиз эришиб бўлмайди.
- B) Салим дўстини уйга таклиф қилди.
- C) Мажлисида интизом ҳақида гапиришга тўғри келди.
- D) Машғулот бошлангандан кейин синфда юрилмасин.

**111** Қайси қаторда сўз бирикмаси келтирилган?

- A) оҳ-ҳо, кўргилик-ку
- B) онам келди
- C) дўстликка оид
- D) кучни синаш

**112** Сўз бирикмаларида бош сўз эргаш сўз билан қандай боғланади?

- A) кўмакчи, боғловчилар ва тенгланиш оҳанги билан боғланади
- B) тенгланиш оҳанги билан боғланади
- C) фақат тобе боғланади
- D) тобе ва тенг боғланади

- 113** Ўлкамизда сўлим баҳор. Бир бош бўлаккли гапнинг турини аниқланг?
- A) шахси маълум гап
  - B) шахси номаълум гап
  - C) шахси умумлашган гап
  - D) атов гап
- 
- 114** Ишонч қозоғи қайси услуб турига хос?
- A) бадий услуб
  - B) илмий услуб
  - C) расмий услуб
  - D) публицистик услуб
- 
- 115** Берилган гапларнинг қайси бирида сўз қўллашда услубий хатолик мавжуд?
- A) Гўзал қиз Марҳабонинг башарасида тер кўринди.
  - B) Ўзи хомуш, юзлари сўлғин эди.
  - C) Хабарни эшитиб, қизнинг чехраси ёришди.
  - D) Афтинг курсин, деб қарғади кампир.
- 
- 116** Мавҳум отларга *-лар* қўшимчаси қўшилганда, кўплик кўрсаткичи қандай вазифани бажариш учун хизмат қилади?
- A) лексик маънони ифодалайди
  - B) синтактик вазифани бажаради
  - C) услубий вазифани бажаради
  - D) морфологик вазифасини бажаради
- 
- 117** *Яхши суғориш - мўл ҳосил гарови.* Келтирилган гапнинг қайси бир сўзида ҳаракат номи шакли қўлланилган?
- A) суғориш
  - B) яхши
  - C) ҳосил
  - D) гарови
- 
- 118** Қайси қаторда жуфт сонлар берилган?
- A) олтинчи, иккиюзламачи
  - B) бир-бир, иккиқат
  - C) беш-ўнта, етти-саккизта
  - D) йигирма икки, ўн икки

119 Қайси қаторда сўзлар тартиби ўзгартирилса, гап ҳосил бўлади?

- A) мақола ўқимок
- B) онанинг васияти
- C) кўм-кўк ўтлоқ
- D) юра-юра чарчамок

120 *Ботир гоҳ йўлга, гоҳ чиройли яшил, қизил, сариқ чироқларга боқарди?*

Бу гапда боғловчининг қайси тури қўлланилган?

- A) зидлов боғловчиси
- B) бириктирув боғловчиси
- C) инкор боғловчиси
- D) айирув боғловчиси

121 Бош сўз феълнинг сифатдош шакли билан ифодаланган сўз бирикмасини топинг.

- A) ҳаммага бирдай
- B) гулдан нозик
- C) одобли бола
- D) меҳнатда синалган

122 Кесим гапнинг қайси гап бўлагига грамматик жиҳатдан тобеланган бўлади?

- A) ҳол
- B) эга
- C) аниқловчи
- D) тўлдирувчи

123 *Ким умумнинг манфаати учун хизмат қилса, уни халқ ҳаминиша кўллаб-қувватлайди.* Бу эргаш гапли қўшма гап турини аниқланг.

- A) тўлдирувчи эргаш гап
- B) натижа эргаш гап
- C) пайт эргаш гап
- D) аниқловчи эргаш гап

124 Қўшма сўзлар келтирилган қаторни аниқланг.

- A) диёр, пахта, тўшак
- B) темир йўл, ёғингарчилик, овчи
- C) ватандош, қуролдош, синфдош
- D) кўзойнак, гултожихўроз, белбоғ

**125** Қайси қатордаги сўз туркумлари сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалади?

- A) сифат, от, олмош, феъл
- B) олмош, от, сон, феъл
- C) от, сифат, феъл, равиш
- D) сон, олмош, феъл, от

**126** Фақат мавҳум отлар берилган қаторни аниқланг.

- A) севги, шодлик, бахт
- B) зафар, боғ, асал
- C) асар, бола, чол
- D) гул, қилич, қармоқ

**127** Қайси қаторда фақат ҳаракат номига хос сўзлар келтирилган?

- A) билмоқ, ўқиш, қуриш
- B) буюк, коинот, шабнам
- C) рақам, малика, ёқмоқ
- D) кўрмоқ, пиллапоя, кўп

**128** Тўлиқсиз гап келтирилган қаторни белгиланг.

- A) Салима мактабдан қайтди.
- B) Китобхонлар таъловига иштирок этдим.
- C) Бугун шоирлар учрашувга келишди.
- D) - Ҳа, айтдим.

**129** Қўшма гап таркибидаги содда гапга ўхшаш қисмларни нималар боғлайди?

- A) боғловчи вазифасидаги бириктирувчи воситалар
- B) оҳанг
- C) боғловчилар
- D) барчаси

**130** Келтирилган қайси турдаги қўшимчалар янги сўз ҳосил қилади?

- A) сўз ўзгартирувчи
- B) турловчи
- C) тусловчи
- D) сўз ясовчи

**131** *Кувноқ бола сўз бирикмасидаги эргаш ва бош сўзлари қайси сўз туркумига мансуб?*

- A) феъл + от
- B) сифат + от
- C) от + сифат
- D) сифат + равиш

**132** *Уюшиқ бўлакли гапни аниқланг.*

- A) Шу нарса муҳимки, бадиий адабиёт маънавий манбаидир.
- B) Йигитнинг юз ва кўзида андиша аломати кўринади.
- C) Икки мамлакат ўртасидаги чегаралар очилди.
- D) Навоий – ўз даврининг машхур шоири.

**133** *Қўшма гапни аниқланг.*

- A) Сен борки, шу тупроқ менга азиз.
- B) Боғимиз хуштаъм, лаззатли мевалар билан тўладир.
- C) Энг чучук, ширин сувлар бизнинг юртимизда.
- D) Ватанимиз – тоғли ўлка.

**134** *Фақат сифат + отдан ташкил топган қўшма сўзлар қаторини белгиланг.*

- A) атиргул, мингоёқ
- B) томорқа, кўзойнак
- C) қорамол, ширинмия
- D) оқуруғ, темир йўл

**135** *Тусланиш қайси сўз туркумига хос?*

- A) от
- B) сифат
- C) сон
- D) феъл

**136** *Қайси қаторда қўшма гап келтирилган?*

- A) Нон кундалик ҳаётимизнинг энг зарурий эҳтиёжидир.
- B) Ўзбек ва тожик халқларининг хонадонида бола ёстиғи остига нон қўйилади.
- C) Нон ясаб бўлгунча, тандир қизиди. (Ойбек)
- D) Халқимизнинг миллий урф-одатларидан бири нонни эъзозлашдир.



- 137** Гапдаги қайси сўз услубий жиҳатдан хато қўлланилган?  
*Уриш! Номинг ўчсин жаҳонда.*
- А) Уриш!
  - В) Номинг
  - С) ўчсин
  - Д) жаҳонда.
- 
- 138** Жой номини билдирувчи от ясовчи қўшимчалар қаторини белгиланг.
- А) -чи, -шунос
  - В) -им, -ингиз
  - С) -кор, -гич
  - Д) -лок, -зор
- 
- 139** Қайси бир жавобда мавҳум отлар келтирилган?
- А) шоли, кўркам, эшитмоқ
  - В) силлиқ, кўзи, катта
  - С) садоқат, виждон, муҳаббат
  - Д) шивирламоқ, болакай, темир
- 
- 140** Фақат боғланган қўшма гап қисмларини бириктирувчи боғловчилар қаторини белгиланг.
- А) ва, лекин, аммо
  - В) чунки, шунинг учун, негаки
  - С) ҳам, худди, мисли
  - Д) деб, бир-бир, дам-дам
- 
- 141** *Кумуш чойшаб ёпиб далалар,  
Қор қўйнида ухлаб ётади. Уйғун.*  
Шеърини парча қайси услубга хослигини топинг.
- А) публицистик услуб
  - В) илмий услуб
  - С) расмий-идоравий услуб
  - Д) бадий услуб
- 
- 142** *Синфимизда аълочи ўқувчиларимиз кўп.* Гапдаги аълочи ўқувчиларимиз сўз бирикмасининг бош сўзи қайси сўз туркуми орқали ифодаланган?
- А) кўмакчи
  - В) олмош
  - С) сифат
  - Д) от

**143** Қайси қаторда кесим эргаш гапли қўшма гап келтирилган?

- A) Бепоеън далаларнинг файзи янада ошиб бормоқда.
- B) Қўлёмаларни биринчи мусаххих, муҳаррирларга ҳавола қилар эди.
- C) Ҳаёт сабоғи шуки, инсон вақтни олтин билмоғи лозим.
- D) Ўқувчилар ва ўқитувчилар меҳмонларни кутиб олишди.

**144** Қайси гапда расмий-идоравий услубга хос сўз келтирилган?

- A) Тожикистонда ўрикнинг турли навлари бор.
- B) Раҳбаримизга таржимаи ҳолни ёзиб топширдим.
- C) Биёбонлар кўркам боғларга айлантирилди.
- D) Илмли бўлиш кўп меҳнат ва заҳматни талаб қилади.

**145** Қайси қатордаги гапда гумон олмоши иштирок этган?

- A) Кимдир канизакни чақирди. (А. Қ.)
- B) Ҳар оқшомнинг бир тонги бор. (Мақол)
- C) Йўлчи нега хўжайиннинг даргохидан чиқиб кетди?
- D) Бу овоз унга жуда таниш туюлди.

**146** Ясама сўзлар берилган қаторни белгиланг.

- A) Баҳром, Илҳом
- B) ишсиз, қишлов
- C) олтин, тандир
- D) жийрон, қизил

**147** Қайси қатордаги жуфт отлар синоним сўзлардан ҳосил бўлмаган?

- A) фикр-ўй
- B) ор-номус
- C) иззат-нафс
- D) куч-қувват

**148** Шахс оти ясовчи қўшимча иштирок этган гапни белгиланг.

- A) Ватан учун жон фидо қилиш ҳар бир кишининг бурчидир.
- B) Ноҳиямиз илғор сувчиларига совғалар топширилди.
- C) Ёмон арава йўл бузади. (Мақол)
- D) Кемага тушганнинг жони бир. (Ҳикмат)

**149** *Бола баҳона - ...* Нуқталар ўрнига берилган сўз бирикмаларидан бирини танлаб, мақолнинг асл шаклини тикланг.

- A) сабаби маълум эмас
- B) дийдор ғанимат
- C) дам олинди
- D) юмуши битди

**150** Қайси қаторда *сифатдош*га хос сўзлар келтирилган?

- A) ўқиган, эсаётган
- B) кўпириб, чарақлаб
- C) боғлади, ифодаланади
- D) шўнғиш, тинглаш

**151** Қайси қатордаги гапда бошқарув йўли билан ҳосил бўлган сўз бирикмаси учрайди?

- A) Ёмғир ёғди, мой ёғди.
- B) Ишингни ундир, кўнглингни тўлдир.
- C) Эл ёви – энг улкан ёв.
- D) Ози етади, кўпи кетади.

**152** Сўзларнинг тобе боғланиши асосида тузилган бирикма қаторини топинг.

- A) онг, тафаккур
- B) ёритади, аммо иситмайди
- C) ақл ва заковат
- D) тартибни бузмоқ

**153** Қайси қаторда қўшма гап келтирилган?

- A) Ғалабага меҳнатсиз эришиб бўлмайди.
- B) Мажлисда интизом ҳақида гапиришга тўғри келди.
- C) Машғулот бошлангандан кейин синфда юрилмасин.
- D) Ота-она азиз, эл-юрт ундан азиз.

**154** Илмий услубга хос бўлган гапни топинг.

- A) Болалар тиниқ сувда маза қилиб чўмилишди.
- B) Бўғин ажратишнинг имлога алоқаси йўқ.
- C) Ўқитувчи бамисоли боғбон ва у ёшлик гулшанининг раҳнамоси.

(Р. Усмонов)

- D) Яхши топиб гапирар, ёмон қошиб гапирар. (Мақол)

**155** Расмий-идоравий услубга оид сўзлар берилган қаторни аниқланг.

- А) бош мақола, хабар, мақол
- В) топишмоқ, роман, ҳикоя
- С) тилхат, тавсифнома, қарор
- Д) курултой, кенгаш, анжуман

**156** ...Учрашув маросими ҳар иккала мамлакатлар давлат мадҳиялари ижроси ва ҳар иккала томон расмий ҳайъати билан яқиндан танишишдан иборат бўлди.

Келтирилган гап қайси услубга хос?

- А) илмий
- В) расмий-идоравий
- С) публицистик
- Д) бадиий

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

### ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ. ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ

**157** "Тўмарис" афсонаси қайси манбада келтирилган?

- А) Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида
- В) Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида
- С) Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат" асарида
- Д) Ҳеродотнинг "Тарих" китобида

**158** Берилган жавоблардан "Тўньюқуқ битиги"нинг ёзилиш пайтини топинг.

- А) Тўньюқуқ ўлгандан кейин
- В) яқин пайтларда ёзилган
- С) Тўньюқуқнинг тириклигида ёки ўлганидан кейин ёзилганлиги номаълум
- Д) Тўньюқуқнинг тириклик пайтида

**159** "Зариadr ва Одатида", "Зарина ва Стриангия" асарлари қайси мавзуда ёзилган?

- А) пок ва эркин муҳаббат
- В) деҳқончилик ва чорвачилик
- С) сахийлик ва жасорат
- Д) нопоклик ва душманлик

**160** “Массагет” сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри берилган?

- A) овчи
- B) ишчи
- C) сузувчи
- D) балиқхўр

**161** “Широқ” афсонаси қаҳрамони Широқ қайси қабила вакили эди?

- A) массагет
- B) шак (сак)
- C) эрон
- D) грек

**162** “Широқ” афсонаси қаҳрамонлари келтирилган қаторни топинг.

- A) Саксфар, Омарг, Оамирис, Доро
- B) Спинта Майню, Агра Майню, Зардушт
- C) Крез, Спарганис, Кир, Тўмарис
- D) Зариандр, Одатида, Стриангия, Омарг

**163** “Суст хотин” кўшиғи ўзбек ва тожик халқлари орасида кенг тарқалган қайси маросимга бағишланган?

- A) Яратганга илтижо қилиб ёмғир сўраш
- B) ўтти туйишга бағишлаб кўшиқ айтиш
- C) ўт ўримига бағишлаб кўшиқ айтиш
- D) кўкламни кутиб олишга бағишланган

**164** Қайси қаторда ўзбек халқининг меҳнат кўшиғи келтирилган?

- A) “Жони бобо”
- B) “Ҳа, лайли, лайли”
- C) “Дали дарё”
- D) “Суст хотин”

**165** Юсуф Хос Ҳожиб туғилиб ўсган юрт Болосоғун ҳозир қаерда жойлашган?

- A) Тожикистоннинг Душанбе шаҳридан 30 км узоқликда
- B) Қирғизистоннинг Тўкмоқ шаҳридан 24 км узоқликда
- C) Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридан 20 км узоқликда
- D) Ўзбекистоннинг Сергили шаҳридан 25 км узоқликда

---

**166** Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Кунтуғди ва Ойтўлди каби тимсоллар қандай ҳукмдорлар сифатида тасвирланган?

- А) разил, адолатсиз, нодон, такаббур
- В) манман, жоҳил, бадкирдор, ярамас
- С) нодон, содда, енгилтак, дангаса
- Д) одил, покиза, чуқур билимли, ақл-идрокли

---

**167** Қайси қаторда “Қутадғу билиг” асарининг қаҳрамонлари берилган?

- А) Спарганис, Кир, Ойсулув, Доро
- В) Кунтуғди, Ойтўлди, Ўгдулмиш, Ўзғурмиш
- С) Саксфар, Омарг, Оамирис, Сирак
- Д) Гуштасб, Зариадр, Омарг, Мидия

---

**168** “Қутадғу билиг” достонининг тўрт рамзий маънодаги тимсоллари қаторини белгиланг.

- А) Кунтуғди, Ойтўлди, Ўгдулмиш ва Ўзғурмишлар
- В) Хусрав, Шопур, Кисро ва Ҳурмуз
- С) Омарг, Одатида, Зариадр ва Стриангия
- Д) Каюмарс, Ҳушанг, Тахмурас ва Жамшед

---

**169** “Девону луғотит турк” асаридаги “Али Эр Тўнга” марсияси кимларга бағишланган?

- А) ўша даврнинг шоханшоҳларига
- В) туркий халқлар миллий қаҳрамонига
- С) олим ва уламоларга
- Д) камбағал ва нотавонларга

---

**170** “Жавоҳир ун-наҳв фи-луғотит турк” асари муаллифини аниқланг.

- А) Маҳмуд Кошғарий
- В) Жалолиддин Балхий
- С) Алишер Навоий
- Д) Заҳириддин Муҳаммад Бобур

---

**171** Яссавия силсиласининг асосида нима ётади?

- А) нафсни тийиш, фақирлик, камтарлик
- В) бойлик ошириш, зар-зевар йиғиш
- С) савдогарлик, сафсатабозлик
- Д) кўзбўямачилик, сохтагарчилик

- 172** *Бешак билинг, бу дунё барча халқдан ўтаро,  
Инонмагил молинга, бир кун қўлдан кетаро.*  
Бу байтда Яссавий нима ҳақида куйлайди?  
А) ўткинчи дунёда ҳамиша пок яшаш керак  
В) ҳаёсизликдан сақланишга чақиради  
С) етимларни кўнглини оғритмасликка чорлайди  
Д) устозларни ҳамиша ҳурмат қилиш
- 173** Берилган жавоблардан “Девони ҳикмат” асари муаллифини топинг.  
А) Аҳмад Югнакий  
В) Умар Хайём  
С) Юсуф Хос Ҳожиб  
Д) Аҳмад Яссавий
- 174** Қайси шоирнинг кўзи туғма кўр (ожиз) эди?  
А) Аҳмад Югнакий  
В) Маҳмуд Кошғарий  
С) Аҳмад Яссавий  
Д) Юсуф Хос Ҳожиб
- 175** Жалолиддин Балхийнинг “Маснавийи маънавий” асари қайси маснавий билан бошланган?  
А) “Топмадим”  
В) “Най не ҳикоят айлагай?”  
С) “Муҳаббатнома”  
Д) “Илм иста”
- 176** Сайфи Саройи қаламига мансуб бўлган дostonни аниқланг?  
А) “Суҳайл ва Гулдурсун”  
В) “Хусрав ва Ширин”  
С) “Лайли ва Мажнун”  
Д) “Маснавийи маънавий”
- 177** Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonидаги “Қабутар” ҳикоятида қайси ғоя олға сурилган?  
А) меҳнатни шараф деб билиш ва уни кадрлаш ғояси олға сурилади  
В) илм-маърифатни тарғиб этишга бағишланади  
С) Ватанни севиш, вайрона тупроғини шоҳларнинг ҳашаматли қасрларидан юқори қўйиш ғояси қаламга олинади  
Д) дўстлик-биродарлик ва иноқлик ғояси илгари сурилади

- 178** Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳокон ўғли Фарҳодга тахтни тавсия этганда қандай муносабат билдиради?
- A) ҳоконликни қабул қилмайди
  - B) бойлик сақланадиган жойларни сўрайди
  - C) чуқур ўйланиб қолади
  - D) тез розилик беради
- 
- 179** Алишер Навоий ўзининг қайси асарини «Меҳнатнома» номи билан ҳам атаган?
- A) “Маҳбуб-ул-қулуб”
  - B) “Лисон-ут-тайр”
  - C) “Фарҳод ва Ширин”
  - D) “Садди Искандарий”
- 
- 180** Алишер Навоий ёшлигида қайси тожикча асарни ёддан билган?
- A) «Сухбат-ул-аброр»
  - B) «Саломон ва Абсол»
  - C) «Маснавийи маънавий»
  - D) «Мантиқ-ут-тайр»
- 
- 181** Берилган асарлардан қайси бирида Алишер Навоий ўтган шохзоларнинг ҳаётини замондошларига ибрат қилиб кўрсатади?
- A) “Фарҳод ва Ширин”
  - B) “Ҳамсат-ул мутаҳаййирин”
  - C) “Маҳбуб-ул-қулуб”
  - D) “Муҳокамат-ул-луғатайн”
- 
- 182** Алишер Навоий қайси асарида Жомийга Ҳирот адабий муҳитининг раҳнамоси деб баҳо беради?
- A) “Девони-Фоний”
  - B) “Лисон-ут-тайр”
  - C) “Мажолис-ун-нафоис”
  - D) “Сабъат-абхур”
- 
- 183** *Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки азёр дурур ёр айлар.*  
Келтирилган байт муаллифини аниқланг.
- A) Навоий
  - B) Жомий
  - C) Атоий
  - D) Лутфий



184

*Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,*

*Тили поку сўзи поку ўзи пок.* А. Навоий, “Фарҳод ва Ширин”.

Берилган байт қайси қахрамон ҳақида эканлигини жавоблардан топинг.

- А) Ширин
- В) Хусрав
- С) Шопур
- Д) Фарҳод

185

*Хунарни асрабон неткумдур охир,*

*Олиб туфроққаму кеткумдур охир?!*

Бу байт Алишер Навоийнинг қайси достонидан олинган?

- А) “Фарҳод ва Ширин”
- В) “Садди Искандарий”
- С) “Ҳайрат-ул-аброр”
- Д) “Лайли ва Мажнун”

186

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони кимнинг асарига татаббуъ сифатида яратилган?

- А) Деҳлавийнинг “Зафарнома”сига
- В) Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий”сига
- С) Фирдавсийнинг “Шохнома”сига
- Д) Амир Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сига

187

*“Мавлоно ... Балхда бўлур эрди. Исмоил ато фарзандларидиндур, дарвешваши ва хушхулқ, очик чехрали ҳамиша ўзини шод-қувноқ тутадиган киши эрди. Туркигўй эрди, ўз замонида шеъри туркий тилда сўзлашувчилар орасида кўп шухрат тутти”.* “Мажолис ун-нафоис” А. Навоий. Матн қайси шоир тўғрисида?

- А) Атоий
- В) Лутфий
- С) Рабғузий
- Д) Румий

- 188** Алишер Навоийнинг «Хазойин-ул-маоний» (Чор девон) асаридаги тўрт девоннинг номи ва тартиби қайси жавобда тўғри берилган?
- A) «Ғаройиб-ус-сиғар», «Девони Фоний», «Наводир-уш-шабоб», «Фавойид-ул-кибар»
  - B) «Наводир-уш-шабоб», «Фавойид-ул-кибар», «Бадое-ул-бидоя», «Наводир-ун-ниҳоя»
  - C) «Наводир-ун-ниҳоя», «Фавойид-ул-кибар», «Бадое-ул-бидоя», «Наводир-уш-шабоб»
  - D) «Ғаройиб-ус-сиғар», «Наводир-уш-шабоб», «Бадоеъ-ул-васат», «Фавойид-ул-кибар»
- 
- 189** *Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.*  
Бу байт муаллифини аниқланг.
- A) Алишер Навоий
  - B) Абдурраҳмон Жомий
  - C) Низомий Ганжавий
  - D) Заҳириддин Муҳаммад Бобур
- 
- 190** *...Алишербек назирӣ йўқ киши эрди. Туркий тил била шеър айтубтурлар,  
ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас.* Парчада келтирилган Алишер Навоий ҳақидаги фикрлар қайси асардан олинган?
- A) Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ-ул-вақоеъ”
  - B) Амир Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”
  - C) Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий”
  - D) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”
- 
- 191** Муҳаммад Шариф Гулханийнинг “Маймун билан Нажжор” масалида Маймун ва Нажжор тимсоллари орқали қандай шахслар тасвирланади?
- A) Нажжор – очкўз, раҳбар; Маймун – ночор, хизматкор
  - B) Маймун – ўғри, фирибгар; Нажжор – боғбон, ишбилармон
  - C) Маймун – ҳовликма, шошма-шошар; Нажжор – доно, пухта билим эгаси
  - D) Нажжор - нодон, билимсиз; Маймун - доно, саводли
- 
- 192** Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида қайси хонликлардаги шаҳар ва қишлоқларнинг хароблиги моҳирлик билан танқид қилинади?
- A) Хуросон ва Мовароуннаҳр
  - B) Балх ва Ҳирот хонликлари
  - C) Қўқон ва Бухоро хонликлари
  - D) Самарқанд ва Хоразм хонликлари

**193** *“Бошинг гардунга етса, бўлмагил зинҳор хурсанде, Ўзунгни ҳар хасу хошокдин, эй банда, камтар тут”.* Бобораҳим Машраб байтининг мазмуни тўғри берилган қаторни топинг.

- A) ҳар хасу хошокни писанд қилмаслик лозим дейди
- B) мол-мулк кўпайтир, ўзингни ҳеч қачон паст тутма
- C) яхши фазилат - камтарликка даъват этади
- D) баландроқ мартабага эришишга ҳаракат қил

**194** Зебуннисо қайси шоирни устоз сифатида эъзозлайди?

- A) Фазлуллоҳ Алмаийни
- B) Шермуҳаммад Мунисни
- C) Жаҳон Отин Увайсийни
- D) Мирзо Абдулқодир Бедилни

**195** Қайси қаторда Шермуҳаммад Мунис асари келтирилган?

- A) “Таъвиз-ул-ошиқин”
- B) “Сифмамдур”
- C) “Фирдавс-ул-иқбол”
- D) “Мажолис-ун-нафоис”

**196** *Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт.*  
Бу байт муаллифи қайси қаторда берилган?

- A) Нодира Бегим
- B) Жаҳон отин Увайсий
- C) Шермуҳаммад Мунис
- D) Бобораҳим Машраб

**197** Комил Хоразмий “Аҳбоб” шеърда нима ҳақида фикр юритади?

- A) дўстликни сақлаш, дўстнинг тириклигида қадрига етиш
- B) бойлик ошириш, бойлик ошириш йўллари
- C) шоҳлару уламолар ҳақида
- D) ёр ахтариш, севгили ёр висоли

**198** Берилган жавоблардан Муқимийнинг «Таърифи печ» шеърда олға сурилган фикрни аниқланг.

- A) печларни ёмонлайди
- B) печдан сандали яхши дейди
- C) ё печ, ё сандали дейди
- D) сандали устидан кулади

**199** Берилган байт қайси шоир қаламига мансуб эканлигини аниқланг.  
*Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,  
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоглар.*

- A) Фурқат
- B) Муқимий
- C) Авар Ўтар
- D) Завқий

**200** Муқимийнинг “Танобчилар” асарида нима танқид қилинган?

- A) порахўрлик
- B) танбаллик
- C) чақимчилик
- D) билимсизлик

**201** Қайси қаторда Фурқат асари келтирилмаган?

- A) “Гимназия”
- B) “Сайдинг қўя бер сайёд”
- C) “Суворов”
- D) “Саёхатнома”

#### ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

**202** Садриддин Айнийнинг “Эски мактаб” қиссаси қандай усулда ёзилган?

- A) Ривоятлар тўпланиб, улар кенгайтирилиб ёзилган
- B) Мақолалар йиғиндиси, тўплами шаклида ёзилган
- C) Ёзувчи бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар асосида
- D) Фақат диний урф-одатлар ва хурофотларни тасвирлаш йўли билан

**203** Қайси қаторда “Дохунда” романининг қаҳрамонлари келтирилган?

- A) Отабек, Юсуфбек, Азизбек
- B) Ҳумоюн, Зухра бегим, Хадича бегим
- C) Бозор, Сафар, Абдуллахўжа
- D) Абдулфайзхон, Ҳакимбий, Раҳимбий

**204** “Ўтган кунлар” романида тасвирланган воқеалар қаторини топинг.

- A) диндорларнинг бош кўтариб чиқиши ҳақида
- B) Кўқон хонлиги ва Тошкент беклиги орасидаги жанг фожиалари
- C) Кўқондаги ер тақсимооти лавҳалари
- D) Тошкентда бўлган кучли zilзила фожиалари

- 205 “Улоқда” ҳикоясида Абдулла Қодирий нима ҳақда фикр юритади?
- A) миллий байрамлар
  - B) диний урф-одатлар
  - C) халқ удумлари
  - D) миллий меъморчилик
- 
- 206 “*Овсар*” таҳаллусли ижодкорни аниқланг.
- A) Фитрат
  - B) А. Қодирий
  - C) Чўлпон
  - D) А. Қахҳор
- 
- 207 “Жувонбоз” ҳикоясининг муаллифини аниқланг.
- A) Мирзо Турсунзода
  - B) Абдулла Қодирий
  - C) Ҳамид Олимжон
  - D) Абдулла Қахҳор
- 
- 208 ... – *Саводли, ақли ва зийрак аёл. Отабекка отасидан келган хатни ўқиб қолиб, унинг воситасида куёви ва отасини ўлимдан қутқариш мумкинлигига ақли етиб, ... “нажот фариштаси” бўлади.* Матндаги гаплар А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги қайси тимсол ҳақида?
- A) Зайнаб
  - B) Кумуш
  - C) Нодира
  - D) Хушрўй
- 
- 209 Ҳақиқий ҳаётдан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовланган маҳалла имоми Калвак тимсолининг кулгили саргузаштини ҳикоя қилувчи асар муаллифини белгиланг.
- A) Абдулла Қахҳор
  - B) Абдулла Қодирий
  - C) Ғафур Ғулом
  - D) Пиримкул Қодиров

- 210** “Ёлғончи чўпон” масали муаллифини аниқланг.
- A) Садриддин Айний
  - B) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий
  - C) Абдулла Авлоний
  - D) Абдурауф Фитрат
- 
- 211** Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги бош қаҳрамон Зеби нега Сибирга сургун қилинади?
- A) Раззоқ сўфининг сирларини фош қилади
  - B) қўлида яроқ сақлагани учун
  - C) отасининг фикрларига қарши чиқади
  - D) эрининг қотили сифатида тўхматга қолади
- 
- 212** Иккинчи жаҳон уруши мавзуси Эркин Воҳидовнинг қайси асарига талқин этилган?
- A) “Рухлар исёни”
  - B) “Қизиқувчан Матмуса”
  - C) “Истамбул фожиаси”
  - D) “Нидо”
- 
- 213** “Рухлар исёни” достонининг муаллифи келтирилган қаторни аниқланг?
- A) Абдулла Орипов
  - B) Жамшид Пиримов
  - C) Эркин Воҳидов
  - D) Ўлмас Жамол
- 
- 214** Қайси қаторда фақат Эркин Воҳидов шеърлари келтирилган?
- A) “Сен етим эмассан”, “Кузатиш”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак”
  - B) “Модарнома”, “Шоҳнома илҳомлари”, “Хайёмнома”
  - C) “Истамбул фожиаси”, “Рухлар исёни”, “Ифтихор туйғуси”
  - D) “Ишонч кўприклари”, “Муножот”, “Жаннатга йўл”
- 
- 215** *Эй, мунаққид, сен газални  
Кўҳна деб камситмагил,  
Севги ҳам Одам Атодин  
Қолган инсон қонида.*  
Бу шеърини парча қайси шоир қаламига мансуб?
- A) Эркин Воҳидов
  - B) Абдулла Орипов
  - C) Ҳамид Олимжон
  - D) Усмон Носир

---

**216** Абдулла Қаҳҳор “Синчалак” асарида бош қаҳрамон Саидани қандай тасвирлайди?

- A) танти, манман, ўзбилармон
- B) ишбилармон, мақтанчоқ, шошқалоқ
- C) содда, ишёқмас, саводсиз
- D) курашчан, дадил, журъатли

---

**217** Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги ҳикояси қайси жавобда келтирилган?

- A) «Ўғри»
- B) «Кўк конверт»
- C) «Асрор бобо»
- D) «Кампирлар сим қоқди»

---

**218** Абдулла Қаҳҳор асари келтирилган қаторни белгиланг.

- A) “Тошпўлат тажанг нима дейди?”
- B) “Аяжонларим”
- C) “Судхўрнинг ўлими”
- D) “Шум бола”

---

**219** “Синчалак” қиссасида нима танқид қилинади?

- A) шахсга сиғиниш ва манманлик
- B) дин пешволари ва қозилар
- C) саводсизлик ва ишёқмаслик
- D) қашшоқлик ва лўттибозлик

---

**220** “Санъаткор” ҳикояси муаллифини аниқланг.

- A) Ойбек
- B) Абдулла Қодирий
- C) Абдулла Қаҳҳор
- D) Ўткир Ҳошимов

---

**221** Гафур Гулом қайси шеърида байналмилалчилик ғояларини олға суради?

- A) “Соғиниш”
- B) “Сен етим эмассан?”
- C) “Шум бола”
- D) “Менинг ўғригина болам”

---

**222** Гафур Гуломнинг қайси шеъри халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва темир йўл қурилишига бағишланган?

- A) “Сен етим эмассан”
- B) “Соғиниш”
- C) “Турксиб йўлларида”
- D) “Шум бола”

---

**223** Гафур Гуломнинг “Соғиниш” шеъри қайси бир воқеаларни ва ғояларни ўз ичига олади?

- A) Октябр инқилоби воқеалари ва дўстлик-биродарлик ғоялари
- B) 1916-йилнинг қўзғолони воқеалари ва халқларнинг миллий озодлик ҳаракати
- C) 30-йиллар воқеалари ва сиёсий сургунлар
- D) Улуғ Ватан уруши воқеалари, ватанпарварлик ва меҳр-муҳаббат ғоялари

---

**224** Қайси қаторда фақат Гафур Гулом шеърлари келтирилган?

- A) “Хайёмнома”, “Шоҳнома илҳомлари”, “Модарнома”
- B) “Муножот”, “Ишонч кўприклари”, “Жаннатга йўл”
- C) “Кузатиш”, “Сен етим эмассан”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак”
- D) “Рухлар исёни”, “Истамбул фожиаси”, “Ифтихор туйғуси”

---

**225** “Билиб қўйки, сени Ватан кутади” шеърининг муаллифи ким?

- A) Зулфия
- B) Ҳ. Олимжон
- C) Ғ. Гулом
- D) А. Орипов

---

**226** Гафур Гуломнинг “Шум бола” қиссаси қайси давр воқеаларини ўз ичига олади?

- A) Биринчи жаҳон уруши даврида халқ ҳаёти
- B) 45-йилларда ёшларимиз ўтмиши
- C) 50-йилларда ёшларимиз ўтмиши
- D) Иккинчи жаҳон уруши даврида халқ ҳаёти

---

**227** Гафур Гуломнинг “Ҳийлаи шаръий” ҳикоясининг бош қаҳрамони ким?

- A) Ёдгор
- B) Султон ўғри
- C) Мулла Дилкаш
- D) Сарибой



**228** *Деразамнинг олдида бир туп*

*Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.*

**Келтирилган шеърий парча муаллифини аниқланг.**

- A) Гафур Гулом
- B) Ойбек
- C) Ҳамид Олимжон
- D) Зулфия

**229** *... У ёшлигида кичкина, чаққон ва ҳаракатчан бўлгани учун “Карим читтак” деб аташган.* Берилган матнда Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги қайси қаҳрамон ҳақида фикр билдирилган?

- A) Тантибойвачча
- B) Нури
- C) Салимбойвачча
- D) Мирзакаримбой

**230** **Ўлмас Жамол шеърлари келтирилган жавобни топинг.**

- A) “Давлат”, “Замона”
- B) “Икки тилли бир халқ васфига”, “Онажон”
- C) “Она сайёра”, “Бувим билан хайрлашув”
- D) “Сурат”, “Йиллар саломини йилларга элтиб”

**231** **Қайси қаторда Ўлмас Жамол девонлари келтирилган?**

- A) “Ҳижрон”, “Юлдуз”, “Хулқар” ва “Соғинганда”
- B) “Саодатнома”, “Муҳаббатнома”, “Ёшлиқ девони”, “Замин сайёраси”
- C) “Муножот”, “Ҳикмат садолари”, “Жаннатга йўл”, “Ҳайрат”
- D) “Сурур”, “Масрур”, “Манзур” ва “Маъмур”

**232** **Одил Ёқубовга энг катта шухрат келтирган асар қайси қаторда берилган?**

- A) “Муқаддас”
- B) “Эр бошига иш тушса”
- C) “Тенгдошлар”
- D) “Улуғбек хазинаси”

**233** **Пиримқул Қодиров “Авлодлар довони” асарида кимларнинг қисматини тасвир этади?**

- A) Бобораҳим Машраб ва Зайниддин Восифий
- B) Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий
- C) Бобурийлар салтанати (Ҳумоюн, Акбаршоҳ ва б.)
- D) Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Комил Хоразмий

---

**234** **Пиримкул Қодиров “Авлодлар довони” романида кимлар ҳақида хикоя қилади?**

- A) Ҳумоюн ва Акбар
- B) Навоий ва Жомий
- C) Улуғбек ва Амир Темур
- D) Амир Муҳаммад Солиҳ ва Шайбонийхон

---

**235** **Келтирилган қайси бир асар бобурийлар ҳаётига бағишланган?**

- A) “Юлдузли тунлар”
- B) “Диёнат”
- C) “Шоҳи сўзана”
- D) “Ўтган кунлар”

---

**236** **Худойберди Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” романининг етакчи ғояси қайси қаторда берилган?**

- A) чин севги, муҳаббат мавзусининг ёритилиши
- B) қочоқчилар кирдикорига қарши кураш
- C) халқ озодлик ҳаракатининг авж олиши ва адолат, поклик
- D) халқимизнинг ўтмиш ҳаёти тасвирланиши

---

**237** *Шу қадар юраги тормидир – дунё,*

*Наҳот фарзандига – ўзига ганим.*

*Ўзи юрагига жо бўлди, аммо*

*Нечун сиздирмади, нечун Ватаним?!*

**Бу парча Рауф Парфининг қайси истеъдодли ёзувчи хотирасига бағишланган шеърдан олинган?**

- A) Абдулла Орипов
- B) Абдулла Қодирий
- C) Эркин Воҳидов
- D) Абдулла Қаҳҳор

---

**238** **Асқар Маҳкам шеъри берилган қаторни белгиланг.**

- A) “Биби эна билан Ватан ҳақида сўйлашганларим”
- B) “Йиллар саломини йилларга элтиб”
- C) “Шоир кимлиги ҳақида шоҳнинг вазирга берган сабоғи”
- D) “Икки тилли бир халқ васфига”

**239** Қайси қаторда фақат Асқар Маҳкам шеърлари берилган?

- А) “Ҳаким ва ажал”, “Ранжком”, “Жаннатга йўл”
- В) “Нўшбод”, “Соҳиллар”, “Кўнгил уйи”
- С) “Ишқ”, “Аналҳақ”, “Бувим билан хайрлашувим”
- Д) “Садоқатнома”, “Муҳаббатнома”, “Рухлар исёни”

**240** Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясига тегишли бўлган воқеа қайси қаторда берилган?

- А) ўғил она қотилига айланади
- В) опаси укасининг қабрига сават тўла нон келтиради
- С) табиат сирли жойларига адашмоқ
- Д) хўкиз ўғирланади

**241** Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романи (“Қочоқ” парчаси) қаҳрамони қайси қаторда берилган?

- А) Муқанна
- В) Темурмалик
- С) Восе
- Д) Турсунбой

**242** Қайси қаторда “Темир хотин” комедияси қаҳрамонлари келтирилган?

- А) Ҳасан, Садаф
- В) Аломат, Бозорбой
- С) Ҳумоюн, Низом
- Д) Йўлчи, Гулнор

**243** “Писта гуллари” ҳикояси муаллифи қайси қаторда берилган?

- А) Эшмуҳаммад Донохонов
- В) Жўракул Ажиб
- С) Саид Аҳмад
- Д) Сотим Улуғзода

**244** “Темур Малик” шеъри муаллифини аниқланг.

- А) Жамшид Пиримов
- В) Неъмат Иброҳим
- С) Асқар Маҳкам
- Д) Ўлмас Жамол

**245** Авлиёхон Эшон ўзининг “Бир куни” шеърида келтирилган қайси ғояларни олға суради?

- A) ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги
- B) порлоқ келажакка ва инсон маънавий камолотига ишонч
- C) бахт ва шодлик куйи
- D) хушомадгўй ва мадҳиябоз шоирларнинг масхара қилиниши

**246** Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” асарида Марямхон тимсоли орқали қандай ўзбек қизлари ҳаёти тасвирланади?

- A) севгига вафодор, эътиқодли, халқ манфаати йўлида содиқ
- B) меҳнатда тиниб-тинчимас аёл, шошқалоқ, серҳаракат
- C) хасис, очкўз, муттаҳам, саводсиз қизларнинг юриш-туришлари
- D) енгилтак, бузғунчи, манфур, жирканч қизлар ҳаёти

**247** *Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.*

Шеърий парча муаллифи ким?

- A) Садриддин Айний
- B) Усмон Носир
- C) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий
- D) Ҳамид Олимжон

**248** Маҳмудхон ва Марямхон тимсоллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қайси асари қаҳрамонларидир?

- A) “Тўхматчилар жазоси”
- B) “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари”
- C) “Ўчимни олдим”
- D) “Ким тўғри?”

**249** Зулфия Бобоеванинг “Она бургут” шеъридаги бургут тимсолининг тасвири қайси қаторда берилган?

- A) шижоат, меҳр ва мардликка даъват
- B) табиат гўзаллиги ва тозаллиги
- C) илм ва маънавит
- D) укувсизлик, шошмашошарлик ва ўйламаслик

**250** Абдулла Ориповнинг илк шеърий тўплами қайси қаторда келтирилган?

- A) “Ранжком”
- B) “Онажон”
- C) “Юзма-юз”
- D) “Митти юлдуз”

**251** Абдулла Ориповнинг қайси шеъри ўзбек тилининг давлат тили мақомини олишига бағишланган?

- A) “Онажон”
- B) “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”
- C) “Минг йилдирким...”
- D) “Биринчи муҳаббатим”

**252** *Савоб деган нарса ахир тасодиф эмас,  
Етмиш икки томрдан у оқиб келгуси.*

Бу байт Абдулла Ориповнинг қайси достонидан олинган?

- A) “Ранжком”
- B) “Жаннатга йўл”
- C) “Ҳаким ва ажал”
- D) “Ҳикмат садолари”

**253** «Авесто» асари қайси диннинг муқаддас китоби?

- A) ислом динининг китоби
- B) насронийлар муқаддас китоби
- C) яхудийлар динининг китоби
- D) зардуштийлик динининг китоби

**254** “Авесто” асарининг энг қадимги 1324 йилдаги нусхаси қайси мамлакатда сақланади?

- A) Германияда
- B) Ўзбекистонда
- C) Россияда
- D) Данияда

**255** “Авесто” китобида тилга олинган шаҳарлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Мовароуннаҳр, Чин, Деҳли, Бухоро
- B) Техрон, Пекин, Чоч, Суғд
- C) Хива, Хоразм, Балх, Марв, Ҳирот
- D) Ҳисор, Кўлоб, Ванж, Суғд

256 “Қариликдан шикоят” асарининг муаллифи ким?

- A) Маҳмуд Кошғарий
- B) Юсуф Хос Ҳожиб
- C) Атоий
- D) Абуабдулло Рўдакий

257 “Шоҳнома” асарининг ўзбек тилига таржима қилишда қайси қатор муаллифларининг хизматлари каттадир?

- A) Хомуший, Н.Бухорий, Ш.Шомуҳамедов, Ж.Жабборов ва б.
- B) Асқар Маҳкам, Жамшид Пиримов, Авлиёхон Эшон
- C) Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўлмас Жамол
- D) Муҳаммад Ризо Огаҳий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий

258 “Шоҳнома” асарининг биринчи қисми нимани тасвир этиш билан бошланади?

- A) китобнинг ёзилиш сабаби
- B) шоир Дақиқий саргузашти
- C) “Шоҳнома” манбалари
- D) яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш

259 Келтирилган байт қайси тожик шоири қаламига тегишли эканлигини аниқланг? *Одамийлик мардлик, билимдан эмас, Вафоли, ваъдага содиқ бўлса бас.*

- A) Жалолиддин Румий
- B) Абулқосим Фирдавсий
- C) Абдурахмон Жомий
- D) Абуабдулло Рўдакий

260 Унсурулмаолий Кайковус “Қобуснома” (“Насихатномаи Кайковус”) асарини кимга бағишлайди?

- A) ўғли Гилоншоҳга
- B) журжонликларга
- C) Юсуф Хос Ҳожибга
- D) Носир Хусравга

261 *Тинглагил, най не ҳикоят айлагай, Айрилиқлардан шикоят айлагай.* Келтирилган байт муаллифини жавоблардан топиб белгиланг?

- A) Жалолиддин Румий
- B) Заҳириддин Муҳаммад Бобур
- C) Низомий Ганжавий
- D) Алишер Навоий

**262** Абдурахмон Жомий асарлари қайси қаторда келтирилган?

- А) "Муҳокамат-ул-луғатайн", "Лисон-ут-тайр"
- В) "Баҳористон", "Хирадномаи Искандарий"
- С) "Илон ва қалдирғоч", "Ҳафт пайкар"
- Д) "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ", "Нахшон"

**263** "Хирадномаи Искандарий" асари асосий қисмининг бошланишида келтирилган фикрлар қаторини топинг.

- А) Юнонистон подшоси Файлакуснинг кексайганда ўғил кўриши
- В) Файлакус ўғлига Искандар деб ном бериши билан
- С) Искандар саккиз ёшлигида Арастуга таълим-тарбия беришга топширилиши
- Д) Барча қатордаги фикрлар тўғри

**264** Абдурахмон Жомий асари берилмаган қаторни белгиланг?

- А) "Қариликдан шикоят"
- В) "Қирқ ҳадис"
- С) "Ҳафт авранг"
- Д) "Баҳористон"

**265** Саъдий Шерозий "Бўстон" асарининг илк саҳифаларида нима ҳақда фикр юритади?

- А) дўстлик ва илм улуғланади
- В) ишқ-муҳаббат ҳақида
- С) асарнинг ёзилиш сабаблари
- Д) қаноат бобида

**266** Тоҷик шоири Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асарини ким таржима қилган?

- А) Шермуҳаммад Мунис
- В) Жаҳон Отин Увайсий
- С) Муҳаммад Ризо Огаҳий
- Д) Зебуннисо

**267** Қайси давлат ҳукмронлиги даврида тоҷик тили давлат тили ва адабий тилга айлантирилди.

- А) Ғазнавийлар
- В) Тоҳирийлар
- С) Сомонийлар
- Д) Саффорийлар

**268** Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романининг қаҳрамонлари қайси қаторда берилган?

- A) Отабек, Кумуш
- B) Жўламон, Найман она
- C) Зайнаб, Омон
- D) Садаф, Ҳасан

**269** Мирзо Турсунзода шеъри қайси қаторда келтирилган?

- A) “Оналар ташвиши”
- B) ”Болалик йилларим”
- C) “Ўзбек қизига”
- D) “Нил ва Рим”

**270** Мирзо Турсунзода “Ҳиндистон киссаси” туркумидаги шеърларида хинд халқи кимлар зулми остида эзилаётганлигидан изтироб чекади?

- A) инглизлар
- B) араблар
- C) немислар
- D) франсузлар

**271** *...Сен эмасми ташлаб бир нигоҳ  
Юзларингга қараган замон,  
Кўҳна Шарқни ёритган чироқ,  
Ўзбек гули бўлур намоён.*

Улуғ тожик шоири Мирзо Турсунзода бу мисраларни кимга бағишлаб ёзган?

- A) Жаҳон Отин Увайсийга
- B) шоира Зулфияга
- C) шоира Зебуннисога
- D) тожик қизларига

**272** Биринчи тожик операси “Восе исёни” матнини (*либретто*) кимлар ёзган?

- A) Гулназар Келди ва Ў. Жамол
- B) С. Улуғзода ва А. Орипов
- C) М. Турсунзода ва А. Деҳотий
- D) С. Айний ва Л. Шерали



**273** Қайси қаторда фақат Лоиқ Шерали шеърлари келтирилган?

- A) “Ишонч кўприклари”, “Муножот”, “Жаннатга йўл”
- B) “Истамбул фожиаси”, “Рухлар исёни”, “Ифтихор туйғуси”
- C) “Сен етим эмассан”, “Кузатиш”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак”
- D) “Шоҳнома илҳомлари”, “Хайёмнома”, “Модарнома”

**274** Лоиқ Шерали шеърлари келтирилган қаторни топинг.

- A) “Кўнгил уйи”, “Хайёмнома”
- B) “Биринчи мухаббатим”, “Жаннатга йўл”
- C) “Икки тилли бир халқ васфига”, “Онажон”
- D) “Ҳозирги ёшлар”, “Рухлар исёни”

**275** Лоиқ Шерали “Шоҳнома илҳомлари” шеърида нима ҳақида куйлайди?

- A) диний урф-одатлар ҳақида
- B) она мадҳи
- C) табиат манзаралари тўғрисида
- D) инсон фожиалари ҳақида

**276** “Ёшлигимиз тонги” қиссасининг муаллифи ким?

- A) Мақсуд Шайхзода
- B) Сотим Улуғзода
- C) Абдулла Қодирий
- D) Абдулла Қаҳҳор

#### АДАБИЙ ТУШУНЧАЛАР

**277** Мақолга берилган таърифларнинг қайси бири аниқроқ?

- A) Ўғит, насиҳат характеридаги тўртлик.
- B) Халқ томонидан яратилган ҳикматли ибора.
- C) Турмуш тажрибалари заминидан яратилган ва халқ донолигини ифодалаган қисқа, бироқ чуқур маъноли ибора.
- D) Халқ оғзаки ижодининг жуда қадимий шеърий шакли, ибратли сўз.

**278** Қуйидаги асарларнинг қайси бири адабий эртақ?

- A) «Уч оғайни ботирлар»
- B) «Ойгул билан Бахтиёр»
- C) «Маликаи Хуснобод»
- D) «Эгри ва Тўғри»

**279** Бадиий асарнинг мазмунини, ривожланиб боровчи воқеалар тизимини билдирувчи, *нарса, мавзу, мазмун* маъносини англатган сўзни кўрсатинг.

- A) муқаддима
- B) тугун
- C) конфликт
- D) сюжет

**280** Ўзбек адабиётида рубоий жанри бўйича илк ижодкорлар кимлар ҳисобланади?

- A) Алишер Навоий, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Отаҳий
- B) Сайфи Саройи, Мавлоно Хожа Исҳоқ, Мавлоно Лутфий
- C) Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Жалолоддин Румий
- D) Мавлоно Лутфий, Бобораҳим Машраб, Комил Хоразмий

**281** Рубоий жанр сифатида қайси халқ адабиётида амалга оширилган?

- A) курд
- B) ўзбек
- C) тожик
- D) турк

**282** Шарқ халқлари орасида топишмоқнинг кенг тарқалган номи берилган қаторни аниқланг?

- A) “чўпчак” ва “ушук”
- B) “жунбоқ” ва “топ-топ”
- C) ҳамма қатордаги номлар тўғри
- D) “топишмоқ” ва “чистон”

**283** *Латифа* жанри қандай мазмундаги асар ҳисобланади?

- A) рубоийнинг бир кўриниши
- B) бадиий публицистик асардир
- C) лиро-эпик асарлар сирасига киради
- D) халқ ҳажвиёти, танқидий мазмундаги кулгили ҳикоя

- 284** *Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*  
Алишер Навоидан келтирилган бу байт шеърийатнинг қайси жанрига тегишли?  
А) фард  
В) рубоий  
С) туюқ  
Д) қитъа
- 285** Асарларнинг қайси бири ҳажвиядир?  
А) “Падаркуш”  
В) “Илм хосияти”  
С) “Абулфайзхон”  
Д) “Тўйи Иқонбачча”
- 286** Қайси қатордаги асарларни ёднома деб аташ мумкин?  
А) “Зайнаб ва Омон”, “Анор”  
В) “Эсдалиқлар”, “Болалик”  
С) “Жонгинам”, “Юлдузли тунлар”  
Д) “Диёнат”, “Рухлар исёни”
- 287** *Булутнинг орасидан  
Қуёш кулиб қарайди.  
Мажнунтолнинг ювилган  
Сочларини тарайди.* Эркин Воҳидов.  
Ушбу шеърда шоир қайси усулдан фойдаланган?  
А) китобий  
В) жонлантириш  
С) сўзлашув  
Д) шевага хос
- 288** Биринчи ўзбек драматургини аниқланг?  
А) Маҳмудхўжа Бехбудий  
В) Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий  
С) Абдурауф Фитрат  
Д) Абдулла Авлоний
- 289** Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” асари қайси жанрга мансубдир?  
А) драматик достон  
В) комедия  
С) шеър  
Д) қисса

290

*Улки, сенга элдин эрур айбғў,  
Элга доғи сендин ўлур айбғў.*

Алишер Навоидан келтирилган бу байт шеърятнинг қайси жанрига тегишли?

- A) рубоий
- B) туюқ
- C) қитъа
- D) фард

291

Қайси қатордаги жавоб ҳикоя жанри хусусида?

- A) Халқ кўшиқлари, дostonлари, топишмоқлари ва мақоллари.
- B) Биргина воқеа асосида қурилади ва бир-икки қаҳрамоннинг сифатлари очилади.
- C) Бадиий эртақлар, афсоналар ва ҳикоятлар.
- D) Тасодифий, ажойиб-ғаройиб воқеалар, саргузаштлар тасвири.

292

Қайси қаторда трагедия жанрига оид асарлар берилган?

- A) “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”
- B) “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”
- C) “Юлдузли тунлар”, “Уч илдиз”
- D) “Абдулфайзхон”, “Мирзо Улуғбек”

293

Монийлик оқимидаги туркий шеърлар вужудга келган давр қаторини белгиланг.

- A) милоннинг бошларида
- B) милоннинг ўрталарида
- C) милондан олдин
- D) манбаларда кўрсатилмаган

294

Монийлик оқими қайси давлатда вужудга келган?

- A) Данияда
- B) Хитойда
- C) Россияда
- D) Эронда

295

Нома жанри дастлаб қайси халқ адабиётида пайдо бўлган?

- A) тожик адабиётида
- B) ўзбек адабиётида
- C) турк адабиётда
- D) қозоқ адабиётида

**296** Берилган асарларнинг қайси бири ҳажвия эмас?

- A) “Танобчилар”
- B) “Илм хосияти”
- C) “Масковчи бой таърифида”
- D) “Тўйи Иқонбачча”

**297** Қайси қатордаги асарни ёднома деб аташ мумкин эмас?

- A) “Қутлуғ қон”
- B) “Болалик”
- C) “Ўтмишдан эртақлар”
- D) “Эсдалиқлар”

**298** *Пойида йиғлайди қумуш қор юм-юм...*

*Нафис чайқалади бир туп наъматак...*

Шеъринг парча қайси бадиий тасвир санъати усулида битилган?

- A) тазод санъати
- B) муболаға
- C) сифатлаш
- D) жонлантириш

**299** Масал жанридаги қахрамонлар қайси қаторда берилган?

- A) подшоҳ, савдогар, темирчи
- B) ҳайвон, қуш, ҳашарот
- C) деҳқон, чорвадор, оддий халқ
- D) олим, уламо, донолар

**300** Бадиий тимсолнинг эстетик таъсирчанлиги деганда нима тушунилади?

- A) бадиий образнинг умумлашмаллиги
- B) бадиий образнинг ўзига хослиги (индивидуаллиги)
- C) бадиий образнинг китобхонда ҳаяжон-ҳиссиёт уйғотиши
- D) бадиий образ яратишда тўқиманинг ўрни

**301** Агар ғазал уч тилда ёзилган бўлса, қандай номланади?

- A) ширу шакар
- B) шахду ширу шакар
- C) зебқофия
- D) мусажжаъ

## ЎЗБЕК ТИЛИ

1 Берилган сўзларнинг маъносини иккинчи қатордан топинг.

- |           |                     |
|-----------|---------------------|
| A) нуфуз  | 1) тилла, танга     |
| B) сайёд  | 2) тенгсиз, мислсиз |
| C) динор  | 3) таъсир, обрў     |
| D) бемисл | 4) ютуқсиз          |
|           | 5) овчи             |

2 Биринчи қатордаги сўзларнинг иккинчи қатордан синонимини топиб белгиланг.

- |            |             |
|------------|-------------|
| A) зангори | 1) чиройли  |
| B) кулди   | 2) эшитди   |
| C) кўркам  | 3) яшил     |
| D) шалаббо | 4) тиржайди |
|            | 5) хўл      |

3 Берилган сўзлар қайси тилга хослигини иккинчи қатордан топинг.

- |                   |            |
|-------------------|------------|
| A) китоб, мактаб  | 1) русча   |
| B) гул, гузар     | 2) ўзбекча |
| C) учувчи, сут    | 3) тожикча |
| D) самолёт, печка | 4) арабча  |
|                   | 5) хитойча |

4 Биринчи қаторда берилган ибора (фразеологизм)ларнинг маъносини иккинчи қатордан топиб аниқланг.

- |                           |                 |
|---------------------------|-----------------|
| A) капалаги учди          | 1) кутмоқ       |
| B) бир ёқадан бош чиқариб | 2) аҳиллик      |
| C) ёғ тушса ялагудай      | 3) жаҳли чиқмоқ |
| D) кўзи тўрт бўлди        | 4) топ-тоза     |
|                           | 5) кўркмоқ      |

5 Биринчи қаторда берилган иборалар (фразеологизм)нинг маъносини иккинчи қатордан топиб аниқланг.

- |                          |                   |
|--------------------------|-------------------|
| A) тутган еридан кесади  | 1) тинчимок       |
| B) оғзи қулоғига етди    | 2) жаҳли чиқмоқ   |
| C) эти суягига ёпишган   | 3) озғин, арик    |
| D) тепа сочи тикка бўлди | 4) қайсар, ўжар   |
|                          | 5) хурсанд бўлмоқ |

**6 Берилган луғат турларига хос бирликларни иккинчи қатордан топинг.**

- |                             |                        |
|-----------------------------|------------------------|
| А) эскириб қолган сўзлар    | 1) ишбилармон, безакчи |
| В) ўзлашган сўзлар          | 2) чориқ, хон          |
| С) янги пайдо бўлган сўзлар | 3) инак, жезза         |
| Д) шевага хос сўзлар        | 4) чой, мажлис         |
|                             | 5) тил, қўл            |

**7 Келтирилган сўзларнинг луғавий маъноларини иккинчи қатордан топинг.**

- |            |                                 |
|------------|---------------------------------|
| А) қўлбола | 1) сув йўли                     |
| В) қайилма | 2) қайиқ                        |
| С) кўланка | 3) бурилиш жойи                 |
| Д) ўзан    | 4) соя                          |
|            | 5) қўлда тайёрланган (қилинган) |

**8 Биринчи қаторда берилган сўзларнинг қайси соҳага тегишли эканлигини иккинчи қатордан топинг.**

- |                              |                       |
|------------------------------|-----------------------|
| А) изоҳловчи, тире, ундалма  | 1) нужум (астрономия) |
| В) инқилоб, ибтидоий, феодал | 2) ҳуқуқшунослик      |
| С) ёмғир, пайванд, кўчат     | 3) табиатшунослик     |
| Д) сайёра, Ўторид, Мушгарий  | 4) тарих              |
|                              | 5) тилшунослик        |

**9 Берилган сўз туркумларига хос мисолларни иккинчи қатордан топинг.**

- |           |                                   |
|-----------|-----------------------------------|
| А) модал  | 1) лекин, бироқ, ҳам, ва          |
| В) юклама | 2) албатта, эҳтимол, чоғи, сўзсиз |
| С) ундов  | 3) фақат, ҳатто, -ми, -чи         |
| Д) тақлид | 4) оббо, дод, ура, эхе            |
|           | 5) вов, юм-юм, чарс, пиқ-пиқ      |

**10 Иккинчи қатордан мазмунан мос сўзларни топиб, жуфт сўзлар ясанг.**

- |         |          |
|---------|----------|
| А) ўрин | 1) қулок |
| В) қўй  | 2) қўзи  |
| С) кўз  | 3) ўлан  |
| Д) ўт   | 4) буюм  |
|         | 5) жой   |

**11** Иккинчи қатордан мазмунан мос сўзларни топиб, жуфт сўзлар ясанг.

- |         |             |
|---------|-------------|
| A) укув | 1) саккизта |
| B) ранг | 2) идрок    |
| C) етти | 3) берди    |
| D) олди | 4) шу       |
|         | 5) тус      |

**12** Берилган сўзлар отнинг қайси маъно гуруҳига қарашлигини иккинчи қатордан топинг.

- |                         |                              |
|-------------------------|------------------------------|
| A) тошкўмир, қайроқ     | 1) ҳайвон-жониворлар номи    |
| B) қорамол, қизилиштон  | 2) воқеа-ҳодиса номлари      |
| C) довул, зилзила       | 3) кишилиқ ёки шахсларга хос |
| D) маслаҳатчи, ҳайдовчи | 4) буюм ранглари             |
|                         | 5) нарса-жисм номлари        |

**13** Келтирилган сўзлар қайси туркумга тегишли эканлигини иккинчи қатордан топинг.

- |            |          |
|------------|----------|
| A) бештача | 1) равиш |
| B) нур     | 2) от    |
| C) безанди | 3) феъл  |
| D) нордон  | 4) сон   |
|            | 5) сифат |

**14** Берилган сўзларга иккинчи қатордан мосини топиб, жуфт сўзлар ҳосил қилинг.

- |          |           |
|----------|-----------|
| A) оға   | 1) берди  |
| B) ширин | 2) баланд |
| C) олди  | 3) кичик  |
| D) катта | 4) ини    |
|          | 5) шакар  |

**15** Берилган сўзларга иккинчи қатордаги қўшимчалардан мосини қўйиб ўрин-жой оти ясанг.

- |          |            |
|----------|------------|
| A) йўл   | 1) – зор   |
| B) олма  | 2) – гоҳ   |
| C) қарор | 3) – истон |
| D) гул   | 4) – ак    |
|          | 5) – хон   |



**16** Соннинг маъно турлари қўшимчаларини иккинчи стундан кўрсатинг.

- |               |           |
|---------------|-----------|
| А) чама сон   | 1) -ларча |
| В) тартиб сон | 2) -овлон |
| С) тақсим сон | 3) -тадан |
| Д) жамлов сон | 4) -та    |
|               | 5) -инчи  |

**17** Биринчи ва иккинчи стундаги сўзлар ёрдамида қўшма сўзлар ҳосил қилинг.

- |          |           |
|----------|-----------|
| А) жигар | 1) қамиш  |
| В) бодом | 2) қовоқ  |
| С) шакар | 3) кўйлак |
| Д) темир | 4) йўл    |
|          | 5) ранг   |

**18** Келтирилган сўзларга иккинчи қатордан мосини тошиб, жуфт сўзлар ясанг.

- |         |           |
|---------|-----------|
| А) озик | 1) қалам  |
| В) ёш   | 2) саодат |
| С) бахт | 3) овқат  |
| Д) ор   | 4) қари   |
|         | 5) номус  |

**19** Келтирилган мавзуларга оид мисолларни иккинчи қатордан топинг.

- |                    |                     |
|--------------------|---------------------|
| А) туб отлар       | 1) БМТ, АҚШ, МДХ    |
| В) қисқартма отлар | 2) туяқуш, тошбақа  |
| С) жуфт отлар      | 3) бахт, садоқат    |
| Д) қўшма отлар     | 4) тутқич, ёқилғи   |
|                    | 5) уй-жой, она-бола |

**20** Мустақил сўз туркумлари изоҳини иккинчи қатордан топинг.

- |          |  |
|----------|--|
| А) сон   | 1) иш-ҳаракат, ҳолат белгисини билдиради: пайт, ҳолат, ўрин, миқдор-даража |
| В) сифат | 2) иш-ҳаракат, ҳолатни билдиради   |
| С) равиш | 3) нарса-буюм белгисини: ранг-тус, маза-таъм, хил-хусусият, шакл-ҳажм      |
| Д) феъл  | 4) нарса-буюмнинг сон-саноғи, тартибини билдиради                          |
|          | 5) нарса-буюм номини билдиради   |

**21** Берилган сўзлар қайси туркумга тегишли эканлигини иккинчи стундан топинг.

- |                      |          |
|----------------------|----------|
| А) ўн, беш, саккиз   | 1) от    |
| В) илм, ҳаёт, бахт   | 2) сифат |
| С) буюк, мард, шўх   | 3) сон   |
| Д) бугун, секин, кўп | 4) олмош |
|                      | 5) равиш |

**22** Келтирилган қўшимчалар қайси турга тегишли эканлигини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                          |                 |
|--------------------------|-----------------|
| А) -ий(вий), -ли, -симон | 1) сон ясовчи   |
| В) -она, -ларча, -лайн   | 2) равиш ясовчи |
| С) -гич, -ма, -чи        | 3) от ясовчи    |
| Д) -илла, -лаш, -ла      | 4) сифат ясовчи |
|                          | 5) феъл ясовчи  |

**23** Берилган гап турларига мисолларни иккинчи қатордан топинг.

- |                  |                                     |
|------------------|-------------------------------------|
| А) тўлиқсиз гап  | 1) Дўстлик улуғликдир.              |
| В) ундалмали гап | 2) Баҳор.                           |
| С) ёйиқ гап      | 3) Олча фарқ гулга тўлди.           |
| Д) йиғиқ гап     | 4) Юртим, сенга шеър битдим бу кун. |
|                  | 5) - Бугун келдилар.                |

**24** Ўқувчилар таътилни кўнгилли ўтказишди. Гапдаги сўзларнинг қайси гап бўлаги вазифасида келганлигини иккинчи қатордан топинг.

- |               |               |
|---------------|---------------|
| А) ўтказишди. | 1) тўлдирувчи |
| В) Ўқувчилар  | 2) ҳол        |
| С) кўнгилли   | 3) аниқловчи  |
| Д) таътилни   | 4) кесим      |
|               | 5) эга        |

**25** Ҳол гап бўлаги саволлари унинг қайси турга тегишли эканлигини иккинчи қатордан топинг.

- |                                     |                |
|-------------------------------------|----------------|
| А) қачон, қачонгача, қачондан бери  | 1) сабаб ҳоли  |
| В) нимага, нима учун, нима сабабдан | 2) равиш ҳоли  |
| С) қандай, қай ҳолда, қай тарзда    | 3) миқдор ҳоли |
| Д) қаерда, қаерга, қаёққа           | 4) пайт ҳоли   |
|                                     | 5) ўрин ҳоли   |

26 *Устозлар билан эртага Ўзбекистонга борамиз. Гапдаги сўзларнинг қайси гап бўлаги вазифасида келганлигини иккинчи қатордан топинг.*

- |                   |               |
|-------------------|---------------|
| А) эртага         | 1) тўлдирувчи |
| В) Устозлар билан | 2) эга        |
| С) Ўзбекистонга   | 3) ўрин ҳоли  |
| Д) борамиз.       | 4) кесим      |
|                   | 5) пайт ҳоли  |

27 *Қизиқчи Элбек воқеаларни гапириб берди. Мазкур гапнинг иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини топиб белгиланг.*

- |                   |                        |
|-------------------|------------------------|
| А) гапириб берди. | 1) эга                 |
| В) Қизиқчи        | 2) ҳол                 |
| С) Элбек          | 3) кесим               |
| Д) воқеаларни     | 4) изоҳловчи аниқловчи |
|                   | 5) тўлдирувчи          |

28 *Биринчи қатордаги нутқий услуб турларига мос сўзларни иккинчи қатордан топиб белгиланг.*

- |                 |                          |
|-----------------|--------------------------|
| А) сўзлашув     | 1) қурултой, режа        |
| В) расмий       | 2) атама, феъл           |
| С) илмий        | 3) кетақо, оббо          |
| Д) публитсистик | 4) ариза, маълумотнома   |
|                 | 5) олтин куз, эрта баҳор |

29 *Аравалар орқадан секин келмоқда эди. (О.) Гап бўлаклари турларини иккинчи қатордан топинг.*

- |                  |               |
|------------------|---------------|
| А) Аравалар      | 1) ўрин ҳоли  |
| В) орқадан       | 2) равиш ҳоли |
| С) секин         | 3) кесим      |
| Д) келмоқда эди. | 4) аниқловчи  |
|                  | 5) эга        |

30 *Бизнинг мактаб ҳашаматли қурилган. Иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини топинг.*

- |              |              |
|--------------|--------------|
| А) Бизнинг   | 1) эга       |
| В) мактаб    | 2) изоҳловчи |
| С) ҳашаматли | 3) кесим     |
| Д) қурилган. | 4) аниқловчи |
|              | 5) ҳол       |

**31** **Биринчи қаторда берилган ибора (фразеологизм)ларнинг маъносини иккинчи қатордан топинг.**

- |                      |                 |
|----------------------|-----------------|
| А) раҳмдил           | 1) топ-тоза     |
| В) кўрди             | 2) жимжит, тинч |
| С) сув куйгандек     | 3) кўзи тушди   |
| Д) ёғ тушса ялагудай | 4) жаҳли чиқмоқ |
|                      | 5) кўнгли бўш   |

**32** ***Дўсту қардошдир азалдан ўзбегим тожик билан. А. Орипов***  
**Мазкур гапнинг иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини топиб белгиланг.**

- |                    |               |
|--------------------|---------------|
| А) Дўсту қардошдир | 1) ҳол        |
| В) азалдан         | 2) эга        |
| С) ўзбегим         | 3) аниқловчи  |
| Д) тожик билан.    | 4) кесим      |
|                    | 5) тўлдирувчи |

**33** ***Бугун узоқ-яқиндан дўстлар келишди. Мазкур гапнинг иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини топиб белгиланг.***

- |                 |              |
|-----------------|--------------|
| А) Бугун        | 1) эга       |
| В) узоқ-яқиндан | 2) кесим     |
| С) дўстлар      | 3) ўрин ҳоли |
| Д) келишди.     | 4) пайт ҳоли |
|                 | 5) аниқловчи |

**34** ***Ёзги таътилни кўнгилли ўтказдик. Мазкур гапнинг иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини топиб белгиланг.***

- |              |               |
|--------------|---------------|
| А) Ёзги      | 1) кесим      |
| В) таътилни  | 2) ҳол        |
| С) кўнгилли  | 3) аниқловчи  |
| Д) ўтказдик. | 4) эга        |
|              | 5) тўлдирувчи |

**35** ***Соғлик - ҳаётда энг топилмас бойлик. Иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини аниқланг.***

- |                 |               |
|-----------------|---------------|
| А) энг топилмас | 1) ҳол        |
| В) ҳаётда       | 2) аниқловчи  |
| С) бойлик.      | 3) эга        |
| Д) Соғлик -     | 4) тўлдирувчи |
|                 | 5) кесим      |

**36** *Дўст билан ҳамиша ободдир уйинг.* Иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини топиб белгиланг.

- |               |               |
|---------------|---------------|
| А) ободдир    | 1) ҳол        |
| В) ҳамиша     | 2) тўлдирувчи |
| С) уйинг.     | 3) аниқловчи  |
| Д) Дўст билан | 4) эга        |
|               | 5) кесим      |

**37** *Меҳрож раис билан дўстларча хайрлашди.* Иккинчи қатордан мазкур гап бўлаклари турини аниқланг.

- |               |               |
|---------------|---------------|
| А) дўстларча  | 1) кесим      |
| В) хайрлашди. | 2) ҳол        |
| С) Меҳрож     | 3) аниқловчи  |
| Д) раис билан | 4) эга        |
|               | 5) тўлдирувчи |

**38** *Мард йигитлар ўлимдан кўрқмас.* Гаптаги сўзларнинг қайси гап бўлаги вазифасида келганлигини иккинчи қатордан топинг.

- |             |               |
|-------------|---------------|
| А) Мард     | 1) ҳол        |
| В) йигитлар | 2) тўлдирувчи |
| С) ўлимдан  | 3) кесим      |
| Д) кўрқмас. | 4) аниқловчи  |
|             | 5) эга        |

#### ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

**39** Биринчи қатордаги халқ оғзаки ижоди туркумидаги кўшиқ-ларнинг мавзуларини иккинчи қатордан топинг.

- |                   |                                |
|-------------------|--------------------------------|
| А) "Бойчечак"     | 1) ўтни туйиш кўшиғи           |
| В) "Ўрим кўшиғи"  | 2) диний урф-одат кўшиғи       |
| С) "Рамазон"      | 3) ем- хашак йиғишга оид кўшиқ |
| Д) "Майда, майда" | 4) болалар кўшиғи              |
|                   | 5) ухлатиш кўшиғи              |

**40** Берилган халқ оғзаки ижоди туркумидаги кўшиқлар мавзуларига оид асарларни иккинчи қатордан топинг.

- |                                |                   |
|--------------------------------|-------------------|
| А) Болалар кўшиғи              | 1) "Рамазон"      |
| В) Ем- хашак йиғишга оид кўшиқ | 2) "Майда, майда" |
| С) Ўтни туйиш кўшиғи           | 3) "Ўрим кўшиғи"  |
| Д) Диний урф-одат кўшиғи       | 4) "Бойчечак"     |
|                                | 5) "Суст хотин"   |

**41** Урхун-Энасой ёдгорликларида келтирилган шахсларнинг кимлигини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                  |  |
|------------------|--|
| А) Тўньюқук      | 1) Элтаришдан кейинги ҳоқон                          |
| В) Осмон ўғли    | 2) Култегиннинг жияни                                |
| С) Йўллуғтигин   | 3) Хитой ҳоқони                                      |
| Д) Қопоғон ҳоқон | 4) Элтариш ҳоқон ўғли                                |
|                  | 5) Элтариш, Қопоғон, Билга ҳоқонларнинг маслаҳатчиси |

**42** Берилган атамаларнинг луғавий маъносини иккинчи қатордан топинг.

- |                    |                             |
|--------------------|-----------------------------|
| А) луғз            | 1) яширин маъноли фикр      |
| В) вист (“Авесто”) | 2) якка, ёлғиз              |
| С) фард            | 3) балиқхўр                 |
| Д) массагет        | 4) англамоқ, танимоқ; билим |
|                    | 5) беш, бешлик              |

**43** Берилган асарлар қайси турга тегишли эканлигини иккинчи қатордан топинг.

- |                          |          |
|--------------------------|----------|
| А) “Уч оға-ини ботирлар” | 1) ҳикоя |
| В) “Қуллар”              | 2) қисса |
| С) “Бемор”               | 3) эртак |
| Д) “Маймун билан Нажжор” | 4) масал |
|                          | 5) роман |

**44** Берилган мақолларнинг давомини иккинчи қатордан топинг.

- |                              |                    |
|------------------------------|--------------------|
| А) Яхшига...                 | 1) меҳнат – калити |
| В) Эгри йўлдан юрсанг ҳам... | 2) тўғри юр        |
| С) Ер – хазина ...           | 3) бир ўлим        |
| Д) Икки қасам...             | 4) гул соя         |
|                              | 5) хазиначи        |

**45** Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу асарлар қайси турга оид эканлигини аниқланг?

- |                            |                           |
|----------------------------|---------------------------|
| А) “Муҳокамат-ул-луғатайн” | 1) тилшуносликка доир     |
| В) “Мезон-ул-авзон ”       | 2) насрий панднома        |
| С) “Рисолаи тийр андохтан” | 3) диний асар             |
| Д) “Маҳбуб-ул-қулуб ”      | 4) тарихий асар           |
|                            | 5) адабиётшуносликка доир |

**46 Алишер Навоий асарлари маъносини иккинчи қатордан топинг.**

- |                            |                              |
|----------------------------|------------------------------|
| А) “Муҳокамат-ул-луғатайн” | 1) Гўзалликларнинг бошланиши |
| В) “Мажолис-ун-нафоис”     | 2) Икки тил муҳокамаси       |
| С) “Бадоеъ-ул-бидоя”       | 3) Вазнлар ўлчови            |
| Д) “Лисон-ут-тайр”         | 4) Гўзал мажлислар           |
|                            | 5) Қуш тили                  |

**47 Биринчи қаторда берилган рубоий мисралари давомини иккинчи қатордан топинг.**

- |                      |                          |
|----------------------|--------------------------|
| А) Ғурбатда ғариб    | 1) гар қизил гул битса,  |
| В) Эл анга шафиқу    | 2) шодмон бўлмас эмиш,   |
| С) Олтин қафас ичра  | 3) меҳрибон бўлмас эмиш. |
| Д) Булбулға тикондек | 4) ошён бўлмас эмиш.     |
|                      | 5) ёмон ёмони бил они.   |

**48 Хамсанавис шоирлар «Хамса»сидан олинган ушбу дostonлар қайси шоирга тегишли эканлигини кўрсатинг.**

- |                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| А) “Искандарнома”      | 1) Мавлоно Ашраф    |
| В) “Силсилат-ул-заҳаб” | 2) Абдурахмон Жомий |
| С) “Ҳашт бихишт”       | 3) Низомий Ганжавий |
| Д) “Сабъаи сайёр”      | 4) Хусрав Деҳлавий  |
|                        | 5) Алишер Навоий    |

**49 Ёзилган байтлар кимнинг қаламига тегишли эканлигини аниқланг.**

- |  |             |
|--|-------------|
| А) Қилай нола, боқиб гулдек юзунгга,<br>Чу булбулларға афғон вақти бўлди.                            | 1) Атоий    |
| В) Аё кўрк ичра олам подшоҳи,<br>Жаҳон тутти сенинг ҳуснунг сипоҳи.                                  | 2) Хоразмий |
| С) Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,<br>Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.                             | 3) Навоий   |
| Д) Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,<br>Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар. | 4) Бобур    |
|  | 5) Машраб   |

**50 Берилган асарлар муаллифини иккинчи қатордан топинг.**

- |                       |                        |
|-----------------------|------------------------|
| А) “Субҳонқулихон”    | 1) Турди Фароғий       |
| В) “Хусрав ва Ширин”  | 2) Зайниддин Восифий   |
| С) “Қаро кўзим”       | 3) Низомий Ганжавий    |
| Д) “Бодоеъ-ул-вақоеъ” | 4) Абулқосим Фирдавсий |
|                       | 5) Алишер Навоий       |

**51** Абўабдулло Рўдакий рубойсининг сатрлари давомини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| А) Жаҳоннинг шодлиги   | 1) бўлолмас устун.  |
| В) Дўстлар дийдоридан  | 2) оламда аччиқ,    |
| С) Ҳар қанча бўлса ҳам | 3) йиғилса бутун,   |
| Д) Аччиқроқдир доно    | 4) дўстдан айрилиқ. |
|                        | 5) топилмас бутун.  |

**52** Жалолоддин Румий рубойсининг мисралари давомини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                          |                   |
|--------------------------|-------------------|
| А) Вафоли, ваъдага содик | 1) одамлик эмас.  |
| В) Одамийлик мардлик,    | 2) бўлса бас.     |
| С) Аҳдин бажармаса       | 3) ишига боққил,  |
| Д) Сўзига боқмагил,      | 4) бўлмас,        |
|                          | 5) билимдан эмас, |

**53** Жалолоддин Румий ғазалининг сатрлари давомини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                          |                          |
|--------------------------|--------------------------|
| А) Шамсу қамарим келди,  | 1) чун кони зарим келди. |
| В) Кумуштан парим келди, | 2) ишқ мулкига шўнғидим. |
| С) Мастлик асарим келди, | 3) не бўлса-барим келди. |
| Д) Гўзал сарварим келди, | 4) равшан назарим келди, |
|                          | 5) кўзу гавҳарим келди,  |

**54** Умар Хайём рубойсининг мисралари давомини иккинчи қатордан топинг.

- |                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| А) Нокадан сир беркит, | 1) қадринг сўроғла. |
| В) Аблахдан яширин     | 2) тилингни боғла,  |
| С) Кимлигинг билгали – | 3) инсонларга боқ,  |
| Д) Кўзинг кўрганидан   | 4) бўлмоқни чоғла.  |
|                        | 5) кўнглингни соғла |

**55** Умар Хайём рубойсининг сатрлари давомини иккинчи қатордан топиб тўлдилинг.

- |                      |                     |
|----------------------|---------------------|
| А) Тўгарак жаҳонни   | 1) жавҳари ҳам биз. |
| В) Шаксиз унинг кўзи | 2) узук деб билсак, |
| С) Дунёнинг тилаги,  | 3) самари ҳам биз,  |
| Д) Ақл кўзин қораси, | 4) гавҳари ҳам биз. |
|                      | 5) нишон деб билсак |



**56** Келтирилган шоирларнинг асарларини иккинчи қатордан топинг.

- |                 |                         |
|-----------------|-------------------------|
| А) Рўдакий      | 1) "Кўрунур"            |
| В) Лутфий       | 2) "Рустам ва Сухроб"   |
| С) Сайфи Саройи | 3) "Сенсан севарим"     |
| Д) Фирдавсий    | 4) "Маснавийи маънавий" |
|                 | 5) "Қариликдан шикоят"  |

**57** Келтирилган шоирларнинг асарларини иккинчи қатордан топинг.

- |            |                            |
|------------|----------------------------|
| А) Жомий   | 1) "Хирадномаи Искандарий" |
| В) Навоий  | 2) "Маснавийи маънавий"    |
| С) Огаҳий  | 3) "Лисон-ут-тайр"         |
| Д) Яссавий | 4) "Таъвиз-ул-ошиқин"      |
|            | 5) "Девони ҳикмат"         |

**58** Муқимий шеърлари нима ҳақда эканлигини иккинчи қатордан топинг.

- |                 |                           |
|-----------------|---------------------------|
| А) "Ахтаринг"   | 1) тарихий жойларга сайр  |
| В) "Навбаҳор"   | 2) ошиқ ва маъшуқа        |
| С) "Саёҳатнома" | 3) эрк ғояси              |
| Д) "Танобчилар" | 4) табиат чирой очиши     |
|                 | 5) амалдорлар порахўрлиги |

**59** Биринчи қаторда берилган асарлар муаллифини иккинчи қатордан топинг.

- |   |             |
|---|-------------|
| А) "Навбаҳор", "Саёҳатнома"             | 1) Муқимий  |
| В) "Таъвиз-ул-ошиқин", "Гулшани давлат" | 2) Гулханий |
| С) "Илм хосияти", "Гимназия"            | 3) Огаҳий   |
| Д) "Зарбулмасал", "Бер менга"           | 4) Фурқат   |
|   | 5) Завқий   |

**60** "Ўтган кунлар" романидаги қаҳрамонларнинг қариндошлик томонини иккинчи қатордан аниқланг.

- |           |                                  |
|-----------|----------------------------------|
| А) Ҳомид  | 1) Зиё шоҳичининг ўғли           |
| В) Отабек | 2) Мирзакарим қутидор қизи       |
| С) Кумуш  | 3) Ўзбек ойимнинг биринчи келини |
| Д) Зайнаб | 4) Юсуфбек ҳожининг ўғли         |
|           | 5) хотинбоз                      |

**61** “Яна шеъримга”, Усмон Носир. Шеърнинг мисралари давомини иккинчи қатордан топинг.

- |                      |                     |
|----------------------|---------------------|
| А) Бир мен эмас,     | 1) яшайсан манда.   |
| В) Шеърим! Яна ўзинг | 2) яхшисан,         |
| С) Боққа кирсанг,    | 3) гуллар шарманда. |
| Д) Жоним каби        | 4) ҳаёт шахсисан,   |
|                      | 5) машхурсан,       |

**62** Шеър мисралари давомини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                       |                      |
|-----------------------|----------------------|
| А) Қуёшга кўтариб     | 1) беланчагида,      |
| В) Нафис чайқалади    | 2) бир сават оқ гул, |
| С) Юксакда, шамолнинг | 3) бир туп наматак,  |
| Д) Викор-ла ўшшайган  | 4) бир кун қайтаман. |
|                       | 5) қоя лабида.       |

**63** Келтирилган шеърлар муаллифини иккинчи қатордан топинг.

- |  |                         |
|--|-------------------------|
| А) “Шоир кимлиги ҳақида шоҳнинг вазирга берган сабоғи” | 1) Авлиёхон Эшон        |
| В) “Бир куни”, “Вазифа”                                | 2) Жамшид Пиримов       |
| С) “Қайтар дунё”, “Ўринсиз сўзлама”                    | 3) Неъмат Иброҳим       |
| Д) “Темур Малик”, “Она”                                | 4) Абдували Бекмуҳаммад |
|  | 5) Зулфия Бобоева       |

**64** Берилган шеъринг парча мисралари давомини иккинчи қатордан топинг.

- |                       |                    |
|-----------------------|--------------------|
| А) Азиз асримизнинг   | 1) сўрайди қадрин. |
| В) Азиз одамлардан    | 2) вақт ғанимат    |
| С) Фурсат ғаниматдир, | 3) азиз онлари     |
| Д) Безамоқ чоғидир    | 4) шоҳ сатрлар-ла  |
|                       | 5) умр дафтарин.   |

**65** Кароматулло Мирзоевнинг “Исирға” хикояси асосида тузилган саволларга иккинчи қатордан мос жавобларни белгиланг.

- |                                      |  |
|--------------------------------------|--|
| А) Ҳикоянинг бош қаҳрамони ким?      | 1) Онасининг васияти туфайли.          |
| В) Рустам қабрига ким нон келтиради? | 2) Рустам.                             |
| С) Рустам нега ўғрилиқ йўлига ўтди?  | 3) Икки кундан буён сингиллари оч эди. |
| Д) Рустам нега исирғани сотмади?     | 4) Синглиси Ҳабиба.                    |
|                                      | 5) Рустам кар Бўрига қўл кўтарди.      |

**66** Келтирилган мавзуларга Абдулла Қаҳҳорнинг қайси ҳикоялари мазмуни мос келишини иккинчи қатордан топинг.

- |   |                                   |
|---|-----------------------------------|
| А) қаттиқ оғриқдан вафот этган аёл тақдири        | 1) “Даҳшат”                       |
| В) уруш ва ватанпарварлик                         | 2) “Бемор”                        |
| С) аёлларнинг қўрқинчли, аянчли эрк ва қалб исёни | 3) “Сароб”                        |
| Д) чаласаводликни фош этилиши                     | 4) “Асрор бобо”<br>5) “Санъаткор” |

**67** Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Салом айтинг” шеърининг мисралари тартибини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                              |  |
|------------------------------|--|
| А) Оға, соғ борсангиз аввал, | 1) Онамларга салом айтинг.                               |
| В) Югуриб чиққан ул мушфиқ   | 2) Дадамларга салом айтинг.                              |
| С) Кўзи қон ҳамширам бирлан, | 3) Акамларга салом айтинг.                               |
| Д) Ўпиб пешонасин мен-чун,   | 4) Дўстларга салом айтинг.<br>5) Укамларга салом айтинг. |

**68** Биринчи қаторда берилган жанрларга тегишли асарларни иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                     |                              |
|---------------------|------------------------------|
| А) қисса            | 1) “Абдулфайзхон”            |
| В) роман            | 2) “Равшан”                  |
| С) фожиа (трагедия) | 3) “Юлдузли тунлар”          |
| Д) ҳикоя            | 4) “Синчалак”<br>5) “Улоқда” |

**69** Келтирилган муаллифларнинг асарини иккинчи қатордан топинг.

- |                  |                                   |
|------------------|-----------------------------------|
| А) Гулҳаний      | 1) “Таъвиз-ул-ошиқин”             |
| В) Машраб        | 2) “Ўртар”                        |
| С) Турди Фароғий | 3) “Субҳонқулихон”                |
| Д) Огаҳий        | 4) “Зарбулмасал”<br>5) “Навбаҳор” |

**70** “Юлдузли тунлар” романидан келтирилган қаҳрамонларнинг иккинчи қатордан Бобур билан қандай қондош эканлигини аниқланг.

- |                       |   |
|-----------------------|---|
| А) Қутлуғ Нигор хоним | 1) Бобурнинг қизи                         |
| В) Хонзодабегим       | 2) Бобурнинг опаси                        |
| С) Ҳумоюн             | 3) Бобурнинг ўғли                         |
| Д) Гулбадан           | 4) Бобурнинг онаси<br>5) Бобурнинг холаси |

**71** **Биринчи қатордаги асарлар муаллифини иккинчи қатордан топинг.**

- |                     |                     |
|---------------------|---------------------|
| А) “Зайнаб ва Омон” | 1) Ойбек            |
| В) “Ўзбек қизига”   | 2) Эркин Воҳидов    |
| С) “Нидо”           | 3) Мирзо Турсунзода |
| Д) “Наъматак”       | 4) Зулфия           |
|                     | 5) Ҳамид Олимжон    |

**72** **Ғазалнинг мисралари давомини иккинчи қатордан топиб тўлдиринг.**

- |                                  |                         |
|----------------------------------|-------------------------|
| А) Ўн саккиз минг олам ошуби     | 1) ўн саккиз ёшиндадур. |
| В) Не ажаб, чун сарвинозим       | 2) кўзу қошиндадур.     |
| С) Ўн саккиз йил дема, юз саксон | 3) йил ўлса, улдурур -  |
| Д) Ҳусн шоҳи, ул балоларким      | 4) эмди фан қилғил      |
|                                  | 5) агар бошиндадур,     |

**73** **Шеър мисралари давомини иккинчи қатордан топиб белгиланг.**

- |                             |                           |
|-----------------------------|---------------------------|
| А) Мени хор этти-ю, қилди   | 1) жавру жафоси қолдиму?! |
| В) Чархнинг мен кўрмаган    | 2) ўзумга, эй рафиқ,      |
| С) Хаста кўнглум чекмаган   | 3) муддаоси қолдиму?      |
| Д) Даҳри дунпарварнинг ўзга | 4) дарду балоси қолдиму?! |
|                             | 5) муддаийни парвариш,    |

**74** **Келтирилган ижодкорлар қайси асар муаллифи эканлигини иккинчи қатордан топинг.**

- |               |                     |
|---------------|---------------------|
| А) Шайхзода   | 1) “Тонг”           |
| В) Турсунзода | 2) “Улуғ йўл”       |
| С) Уйғун      | 3) “Мирзо Улуғбек”  |
| Д) Ойбек      | 4) “Ҳасан аравакаш” |
|               | 5) “Зайнаб ва Омон” |

**75** **Берилган ижодкорлар асарларини иккинчи қатордан топинг.**

- |                     |                       |
|---------------------|-----------------------|
| А) Мирзо Турсунзода | 1) “Кўкан”            |
| В) Абдулла Орипов   | 2) “Жонгинам”         |
| С) Ғафур Ғулом      | 3) “Соз”              |
| Д) Чўлпон           | 4) “Болалик йилларим” |
|                     | 5) “Нидо”             |

**76** Уйғуннинг “Тонг” шеъри мисралари давомини иккинчи қатордан топинг.

- |                     |                   |
|---------------------|-------------------|
| А) Бугун эрта туриб | 1) гўзал фалак    |
| В) Оқ шоҳи          | 2) ёшида.         |
| С) Уфқ кийинтириб   | 3) қошида...      |
| Д) Сочини тарайди   | 4) рўмоли бошида. |
|                     | 5) тонгни кўрдим, |

**77** Келтирилган асарлар муаллифини иккинчи қатордан топинг.

- |                        |                     |
|------------------------|---------------------|
| А) “Юлдузли тунлар”    | 1) Ҳамид Олимжон    |
| В) “Мирзо Улуғбек”     | 2) Пиримқул Қодиров |
| С) “Ўтмишдан эртаклар” | 3) Ойбек            |
| Д) “Навоий”            | 4) Абдулла Қаҳҳор   |
|                        | 5) Мақсуд Шайхзода  |

**78** Келтирилган ижодкорларнинг шеърларини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                   |                   |
|-------------------|-------------------|
| А) Миртемир       | 1) “Яна шеъримга” |
| В) Усмон Носир    | 2) “Қишлоғим”     |
| С) Расул Ғамзатов | 3) “Тонг”         |
| Д) Уйғун          | 4) Ғафур Ғулом    |
|                   | 5) “Она тилим”    |

**79** Эркин Воҳидов шеърининг мисралари давомини иккинчи қатордан топинг.

- |                    |                  |
|--------------------|------------------|
| А) Барча шодлик    | 1) зорлик менга. |
| В) Бор ситам,      | 2) сенга-ю,      |
| С) Барча дилдорлик | 3) сенга бўлсин, |
| Д) Барча хушторлик | 4) менга...      |
|                    | 5) дўстга        |

**80** Абдурауф Фитрат асарлари мавзусини иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                        |  |
|------------------------|--|
| А) “Ҳинд ихтилочилари” | 1) хурофот ва жаҳолатни фош этади            |
| В) “Арслон”            | 2) озодлик ва мустақиллик учун кураш ғоялари |
| С) ”Чин севиш”         | 3) XVIII асрда Бухоро ҳаёти                  |
| Д) “Қийшиқ эшон”       | 4) Бухоро хонлигидаги деҳқонларнинг ҳаёти    |
|                        | 5) тилнинг тозалиги учун кураш               |

**81** Гафур Гулом асарларининг ғоявий мазмунини иккинчи қатордан топинг.

- |                            |  |
|----------------------------|--|
| А) “Шум бола”              | 1) меҳрибон ота ва жангчи тимсоли  |
| В) “Соғиниш”               | 2) ўзбек халқининг донолигини ифодаланиши                                      |
| С) “Менинг ўғригина болам” | 3) байналмилалчилик ғоясининг ифодаланиши                                      |
| Д) “Сен етим эмассан”      | 4) Туркистон-Сибир темир йўлининг курилиши                                     |
|                            | 5) йўқчилик, муҳтожлик туфайли “ўғри” қиёфасига кирган самимий кишилар тимсоли |

**82** Ойбек ижодидан келтирилган шеърий парчанинг сатрлари давомини иккинчи қатордан топиб тўлдиринг.

- |                             |                    |
|-----------------------------|--------------------|
| А) Бир ўлкаки, тупроғида    | 1) шивирлар баҳор. |
| В) Бир ўлкаки, қишларида    | 2) қуёш соғинар... |
| С) Бир ўлкаки, сал кўрмаса, | 3) асаби чакнар.   |
| Д) Бир ўлкаки, ғайратидан   | 4) олтин гуллайди, |
|                             | 5) ҳавас қиласан   |

**83** Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи қаҳрамонларининг алоқадорлик томонини иккинчи қатордан аниқланг.

- |                            |   |
|----------------------------|---|
| А) Абдуллатиф ва Абдулазиз | 1) мадраса талабаси                         |
| В) Али Қушчи               | 2) масъул                                   |
| С) шайх Низомиддин Хомуш   | 3) Улуғбекнинг садоқатли шогирди            |
| Д) Мирам Чалабий           | 4) Абдуллатиф гуруҳининг маънавий раҳнамоси |
|                            | 5) Улуғбек ўғиллари                         |

1 Қайси қатордаги сўзлар таркибида ёпик бўғинлар учрайди?

- A) вафоли, далага
- B) сабо, томошахона
- C) қабулхона, кутубхона
- D) шуурона, шоирона

2 Қайси қатордаги гапда тиниш белги тўлиқ қўйилмаган?

- A) Улар Боботоғ этакларида дам олишди.
- B) Юрак бақувват бўлса меҳнат унумли бўлади.
- C) Баҳорнинг хузурбахш шабадаси эсмоқда.
- D) Ёшлигида ўқишнинг изидан қолмади.

3 *Муфассал* сўзининг луғавий маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

- A) тўлиқ, батафсил
- B) узлуксиз, тўхтовсиз
- C) мутлақ, аниқ
- D) диққат билан ўқиш, тушуниш

4 Қандай луғат турида сўзларнинг шаклий ўхшашликлари изоҳланади?

- A) антоним сўзлар луғатида
- B) синоним сўзлар луғатида
- C) имло луғатида
- D) омоним сўзлар луғатида

5 *Валишер* сўзининг *устидан чиқди*. Гапнинг кесими қайси қатордаги сўз шакли орқали ифодаланган?

- A) отнинг бош келишиқдаги шакли
- B) олмошнинг чиқиш келишиқдаги шакли
- C) ибора (фразеологизм) орқали
- D) ҳамма жавоблар тўғри

6 Жой номини билдирувчи от ясовчи қўшимчалар қаторини белгиланг.

- A) -чи, -шунос
- B) -им, -ингиз
- C) -кор, -гич
- D) -лок, -зор

**7** Қайси бир жавобда мавҳум отлар келтирилган?

- A) шоли, кўркам, эшитмоқ
- B) садоқат, виждон, бахт
- C) силлиқ, кўзи, катта
- D) шивирламоқ, болакай, темир

**8** Қайси қаторда икки бош бўлакли гап келтирилган?

- A) Салим дўстини уйга таклиф қилди.
- B) Ғалабага меҳнатсиз эришиб бўлмайди.
- C) Машғулот бошлангандан кейин синфда юрилмасин.
- D) Мажлисида интизом ҳақида гапиришга тўғри келди.

**9** Фақат боғланган қўшма гап қисмларини бириктирувчи боғловчилар қаторини белгиланг.

- A) чунки, шунинг учун, негаки
- B) ва, лекин, аммо
- C) ҳам, худди, мисли
- D) деб, бир-бир, дам-дам

**10** *Кумуш чойшаб ёниб далалар,  
Қор қўйнида ухлаб ётади. Уйғун.*  
Шеърини парча қайси услубга хослигини топинг.

- A) публицистик услуб
- B) илмий услуб
- C) расмий-идоравий услуб
- D) бадиий услуб

**11** “Суст хотин” қўшиғи ўзбек ва тожик халқлари орасида кенг тарқалган қайси маросимга бағишланган?

- A) Яратганга илтижо қилиб ёмғир сўраш
- B) ўтти туйишга бағишлаб қўшиқ айтиш
- C) ўт ўримига бағишлаб қўшиқ айтиш
- D) кўкламни кутиб олишга бағишланган

**12** Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Кунтуғди ва Ойтўлди каби тимсоллар қандай ҳукмдорлар сифатида тасвирланган?

- A) разил, адолатсиз, нодон, такаббур
- B) манман, жоҳил, бадқирдор, ярамас
- C) одил, покиза, чуқур билимли, ақл-идрокли
- D) нодон, содда, енгилтак, дангаса



**13** Жалолиддин Румий "Маснавийи маънавий" асари қайси маснавий билан бошланган?

- A) "Най не ҳикоят айлагай?"
- B) "Топмадим"
- C) "Муҳаббатнома"
- D) "Илм иста"

**14** ...Алишербек назари йўқ киши эрди. Туркий тил била шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эмас. Парчада келтирилган Алишер Навоий ҳақидаги фикрлар қайси асардан олинган?

- A) Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ-ул-вақоеъ"
- B) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"
- C) Абдурраҳмон Жомийнинг "Хирадномаи Искандарий"
- D) Амир Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома"

**15** Садриддин Айнийнинг "Эски мактаб" қиссаси қандай усулда ёзилган?

- A) Ривоятлар тўпланиб, улар кенгайтирилган.
- B) Мақолалар йиғиндиси, тўплами шаклида.
- C) Ёзувчи бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар асосида.
- D) Фақат диний урф-одатлар ва хурофотларни тасвирлаш йўли билан.

**16** *Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.*

Шеъринг парча муаллифи ким?

- A) Садриддин Айний
- B) Усмон Носир
- C) Ҳамид Олимжон
- D) Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий

**17** "Синчалак" асарида бош қаҳрамон Саида қандай тасвирланади?

- A) танги, манман, ўзбилармон
- B) курашчан, дадил, журъатли
- C) ишбилармон, мақтанчок, шошқалок
- D) содда, ишқмас, саводсиз

**18** Зулфия Бобоеванинг “Она бургут” шеъридаги бургут тимсолининг тасвири қайси қаторда берилган?

- A) шижоат, меҳр ва мардликка даъват
- B) табиат гўзаллиги ва тозалиги
- C) илм ва маънавият
- D) укувсизлик, шошмашошарлик ва ўйламаслик

**19** “Хирадномаи Искандарий” асари асосий қисмининг бошланишида келтирилган фикрлар қаторини топинг.

- A) Юнонистон подшоси Файлакуснинг кексайганда ўғил кўриши
- B) Файлакус ўғлига Искандар деб ном бериши билан
- C) Искандар саккиз ёшлигида Арастуга таълим-тарбия беришга топширилиши
- D) Барча қатордаги фикрлар тўғри

**20** *Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...*

*Нафис чайқалади бир туп наъматак...*

Шеърий парча қайси бадий тасвир санъати усулида битилган?

- A) тазод санъати
- B) муболаға
- C) жонлантириш
- D) сифатлаш

**21** Берилган асарларнинг қайси турга хослигини иккинчи қатордан топинг.

- |                          |          |
|--------------------------|----------|
| A) “Уч оға-ини ботирлар” | 1) ҳикоя |
| B) “Қуллар”              | 2) эртак |
| C) “Бемор”               | 3) масал |
| D) “Маймун билан Нажжор” | 4) қисса |
|                          | 5) роман |

**22** Берилган жанрларга мос асарларни иккинчи қатордан топиб белгиланг.

- |                     |                     |
|---------------------|---------------------|
| A) ҳикоя            | 1) “Синчалак”       |
| B) қисса            | 2) “Юлдузли тунлар” |
| C) фожиа (трагедия) | 3) “Улоқда”         |
| D) роман            | 4) “Равшан”         |
|                     | 5) “Абдулфайзхон”   |

**23** Эркин Воҳидов шеърининг мисралари давомини иккинчи қатордан топинг.

- |                    |                  |
|--------------------|------------------|
| А) Барча шодлик    | 1) сенга-ю,      |
| В) Бор ситам,      | 2) дўстга        |
| С) Барча дилдорлик | 3) зорлик менга. |
| Д) Барча хушторлик | 4) сенга бўлсин, |
|                    | 5) менга...      |

**24** Биринчи қаторда берилган ибора (фразеологизм)ларнинг маъносини иккинчи қатордан топиб аниқланг.

- |                      |                 |
|----------------------|-----------------|
| А) раҳмдил           | 1) топ-тоза     |
| В) кўрди             | 2) жимжит, тинч |
| С) сув куйгандек     | 3) кўзи тушди   |
| Д) ёғ тушса ялағудай | 4) жаҳли чикмок |
|                      | 5) кўнгли бўш   |

**25** *Дўсту қардошдир азалдан ўзбегим тожик билан.* А. Орипов  
Мазкур гапнинг иккинчи қатордан гап бўлаклари турларини топиб белгиланг.

- |                    |               |
|--------------------|---------------|
| А) Дўсту қардошдир | 1) ҳол        |
| В) азалдан         | 2) эга        |
| С) ўзбегим         | 3) аниқловчи  |
| Д) тожик билан.    | 4) кесим      |
|                    | 5) тўлдирувчи |